БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 15 декабрь Шанба
№ 240 (13.676).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Бу қизнинг чеҳрасида гулгун табассум ифода бўлмоғининг сабаби не экан! Балки кўнгил тубидаги сирдир, ким билади. Лекин нима бўлгандаям, биз буни ўзимизча йўйдик: У замона зайлидан айтарли хурсанд бўлмаса-да, ҳарқалай турмушидан, меҳнат жамоасидаги дугоналаридан мамнун.

Нигора Самарқанд шаҳридаги «Гулбаҳор» маиший хизмат уйининг 7-ательесида аёлларнинг устки кийимларини тикади. Кўз тегмасин, ишни сифатли бажаради, шу билан бирга режасини орттириб уддалайди.

СУРАТДА: Нигора Ботирова.

Ғ. АЛИЕВ суратга олган.

ТАСС, ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

Шу сонга хабар

лигининг ёрқин тимсолидир. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз халқ депутатлари вилоят Шўролари, вилоят ижроия қўмиталари, вилоят чақирув комиссиялари раислари, вилоят ҳарбий комиссарлари Президентнинг кўрсатмаларини сўзсиз ижросини таъминлаш учун зарур тадбирларни амалга оширишлари керак. Улар Ўзбекистон ССЖ ҳудудидан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига жумҳурият йигитларини чақиришни тўхтатиш тўғрисидаги қисми қатъиян бажарилишига алоҳида эътиборни қаратишлари керак. Чунки

Фармон сўзсиз ижро этилиши шарт

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. Каримовнинг «Жумҳурият ёшларини армияга чақириш ва уларнинг ҳарбий хизматини ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони мунис оналаримиз, жафокаш оталаримиз кўзига зиё, дилига умид бахш этди. Бу фармон фарзандларимиз ва уларнинг келажаги ҳақидаги ғамхўр-

бу фармон жумҳуриятимиз ҳудудида сўзсиз бажарилиши зарур бўлган олий қонундир. Яқинда жумҳуриятимиз Президенти вилоят Шўролари раҳбарларига яна бир бор мурожаат қилиб, ана шу фармонга қатъий амал қилишни ва назорат этишни талаб қилди.

Комсомол оталиққа олди

АФҒОНИСТОНДА ҳалок бўлган байналмилалчи жангчиларнинг Термизда яшовчи оилаларига ҳар бир бола учун икки минг сўмдан пул берилди. Уларга бундай катта моддий ёрдамни Термиз шаҳар комсомол қўмитаси берди.

Шаҳарликлар ўз юртдошлари хотирасини муқаддас деб билишади. Бу ерда Николай Цуранов номидаги кўча, Сергей Рабко номли мактаб бор. Пионерлар дружиналарига байналмилалчи жангчиларнинг номлари берилган. Шаҳар комсомол қўмитаси ҳалок бўлган «афғончи»ларнинг оилаларини ўз оталиғига олди.

— Бундан буён ҳам уларга ҳар томонлама ёрдам беришни режалаштираяпмиз, — деди шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Н. Саидмуродов. — Янги йил олдидан бундай хонадонларга байрам дастурхони учун ноз-неъматлар етказиб беришга қарор қилдик, болалар эса совғалар олишади.

Аълочиларга мукофотлар

ТЕРМИЗ шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг юқори синфларида таълим олаётган 11 нафар ўқувчига 10 сўмдан ва 25 сўмдан пул мукофотлари берилди. Аъло ўқиганлик учун берилган бу мукофотга мактаб жамғармасидан пул ажратилди.

Энг яхши ўқувчиларни рағбатлантиришда қатнашиш учун базавий корхона — Локомотив депосининг жамоасини ҳам жалб этишга қарор қилинди. Бу ерда кўпгина ўқувчиларнинг ота-оналари ишлайди. Ўқув йили бошида мактабни оталиққа олганлар ёрдами билан мактаб биноси тўла-тўкис ремонт қилинди, яқинда марказий иситиш хонаси қайта жиҳозланди. Депода оталиқдаги мактабга ҳеч қизғанмай маблағ ажратишмоқда. У энг яхши ўқувчиларни рағбатлантириш, уларга ойлик стипендиялар ажратиш тўғрисидаги ғояни қўллаб-қувватлашига шубҳа йўқ.

Дорилфунун талабалари билан мулоқот

Тошкент Давлат дорилфунунининг жуғрофия куллиёти учинчи курс талабаларидан бир гуруҳи навбатдаги педагогика машғулотини аудиторияда эмас, балки «Ёш ленинчи» рўзномасида ўтказдилар.

— Бундай одатдан ташқари бўлаётган сабоқларни биринчи марта ўтказаётганимиз йўқ, — дейди ТошДД ўқитувчиси Суннатилло Аҳмедов. — Талабаларимиз ёзувчи, санъаткорлар билан бўлган дарсларнинг ҳам бир неча бор иштирокчилари бўлганлар.

«Давра суҳбати»да рўзнома муҳаррири Жаббор Раззоқов қайта қуриш даврида рўзнома фаолиятига қисқача тўхталиб ўтди ҳамда Янги йил режалари билан ўртоқлашди. Талабалардан Зафар Худойберганов, Манзура Ирисалиева, Зулхумор Абдусаидова ва бошқалар миллий кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг одоб-ахлоқи ҳамда талабалар ётоқхоналари каби мавзуларда тез-тез чиқишлар қилиб турилиши тарафдори эканликларини билдирдилар. Рўзноманинг бир гуруҳ ижодий ходимлари билан бўлган мулоқотда миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни сақлаб қолишга эришиш, талабалар сиёсий онгини кўтариш, эътиқод масалалари суҳбат бош мавзуи бўлди.

СУРАТДА: учрашувдан сўнг.

Суратчи: Е. БОТИРОВ.



Журналистга суиқасд қилинди

ЛЕНИНГРАД. Чоршанба куни «600 дақиқа» программаси навбатдаги кўрсатувидан кейиноқ ушбу оммабоп эшиттиришни олиб борувчи А. Невзоровга суиқасд қилинди.

Номаълум киши телестудияга қўнғироқ қилиб, уни учрашиш учун пастқам жойлардан бирига таклиф қилди. Тележурналист машинадан чиқиши биланоқ ўқ овози эшитилди.

А. Невзоров ҳозир ҳарбий табобат академиясида. Академия табибларининг айтишларича, жабрдийда кўкрагининг чап томонини ўқ тешиб ўтган. Ҳарбий дала жарроҳлиги клиникасида операция ўтказилди. Телеэшиттиришни олиб борувчининг ҳаёти ҳозир хавф остида эмас, у ҳушига келди.

* * *

ТАСС ШАРҲЛОВЧИСИНИНГ ФИКРИ: Энди журналистларга ўқ отишяпти. Бунга ажабланиб бўлмайди: Ғарбий Украинада, Москва вилоятида виждон рамзи бўлиб қолган дин арбобларининг қабрлари пайдо бўлди. Журналистлар ҳам жамият касал виждонининг ўша тоифасига киради.

Турли журналистлар бор, албатта. Лекин виждони пок журналистлар (сизни ишонтириб айтаманки, улар кўпчиликни ташкил этади) халақит бермоқда. Виждонсизлик билан яшашга, халқлар ўртасидаги жуда қимматга тушган яхши алоқаларни, нормал инсоний муносабатларни барбод этишга халақит бермоқдалар, жамоат дастурхонини шип-шийдон қилиб кетишга (илгари бундай имконият бировларнинг тушига ҳам кирмас эди) халақит бермоқдалар.

Шу сабабли матбуот уйларига ўт қўйиш, ибтидоий митингбозликдаги ва матбуотдаги коммунизмга қарши чиқишлар, рўзномачилар ишлайдиган хоналарни тинтиб, ур-йиқит қилишлар, редакциялар эшиги олдида юзлари гезарган «ҳурфикрлар»нинг соқчилари ҳаётнинг машъум «белгиси» бўлиб қолди. Тўғри, бу ҳаёт жаҳонни «бирдан-бир тўғри» кўришнинг фаросатдан узоқ моделига ўхшамаса, кўзга тушган чўпдек бўляпти. Турли буюмларни, ифлос сиёҳларни, ҳатто парламент минбарини шу ҳаётга қарши қўймоқдалар... Мана энди ўқ ҳам ишга солинди.

Ленинградлик ҳамкасбимизга ким ўқ отганлигини тергов аниқлаб беради, албатта. Унинг янги орттирган душманлари оз эмаслиги ҳам тушунарли. Бу — шуҳрат қозонишнинг иккинчи томонидир. Александр Невзоровнинг сиёсий қарашларига қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин, лекин унинг маҳоратига, самимийлигига, журналист сифатида ҳалол ишлашига тан бермаслик мумкин эмас. У Молдовадаги воқеаларни холисона кўрсатиб берди. У Ленинград «Демократик» кенгашининг орқа томонидан пардани кўтарди, шу билан янги радикал ҳокимиятда норозилик тўлқинини ва маъмуриятчилик машмашасини, «ашаддий» журналистнинг оғзини очмайдиган қилиб қўйишга уринишни вужудга келтирди.

Тергов ҳаммасини аниқлайди, албатта. Агар жиноятчи кооперативда хизмат қилиши аниқланса, яхшини ёмондан ажратиб оламиз: журналистга кооперация ўқ отгани йўқ. Машъум ўқ овози «халқ» диктатурасини ўрнатишга интилаётган экстремистлар нафрат билан гаплашаётган жойларда акс-садо берса, бизга жуда қимматга тушаётган демократия бўйсунмас журналистга ўқ узди, деб ҳисобламаслик керак. Ошкоралик — чинакам демократияга ва хўжалик юритишнинг соғлом эркин шаклларини қарор топтиришга тўсқинлик қилмайди.

Ошкоралик сафсатабозликдан иборат қайта қуришга эмас, балки бизнинг чинакам қайта қуришга омиларча ишонишимиздан фойдаланаётган кишиларнинг томоғига тиқилган суякдир. Шу сабабли ошкораликка қараб ўқ отишмоқда.

Владимир ПЕТРУНЯ.

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Тарих ҳақиқатидан чекинишми?

КЎПДАН ОРЗИҚИБ кутилган Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси эълон қилинди. Унинг бўлим ва моддалари билан танишиб борар экансиз, бошингиздан қайноқ сув қуйилгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Бунга таажжубланишга ўрин йўқ. Сўзимни исботлашга уриниб кўраман.

1922 йил декабрида туғилган ва дунёга ҳур жумҳуриятларнинг ихтиёрий иттифоқи деб эълон қилинган ССЖИнинг давлат бошқаруви нега қисқа бир даврда тоталитар усулга ўтди? Бу саволнинг ўзи қанча илмий ишларга мавзудир. Иккинчидан, жумҳуриятлар ўз тақдирларини ўзи белгилайдиган бўлса, нега сарҳадлар «юқори» ишораси билан туб халқларнинг мутлақо иштирокисиз амалга оширилди? Учинчидан, қани В. И. Лениннинг иттифоққа кирган жумҳуриятлар вакиллари навбати билан Олий Иттифоқ ҳокимиятини бошқариши зарурлиги ҳақидаги васиятининг амалга оширилгани? Буларнинг ҳеч бирига жавоб йўқ.

Бу тарих ҳақиқатидан чекиниш оқибатидир. Яна тарих жараёни билан ҳисоблашмай тузилган Иттифоқ шартномаси лойиҳаси. Унинг биринчи бўлими қоидалари жумҳурият мустақиллигига кафолат беради. Лекин иккинчи бўлимнинг 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 9-моддалари эса бу омонат I бўлим моддаларини чиппакка чиқаради.

Фуқаролик масаласи бундан ҳам беш баттар ва муаммоли. Халқаро ҳуқуқ нормаларига зидгина эмас, балки оғриқ тишга қўшимча азоб бериш билан баробар. Фуқаролик аслида икки жойда бўлмайди. Яхшиси ҳар ким ўз жумҳуриятининг фуқароси бўлганлиги афзал. Акс ҳолда Ватан тушунчаси хиралашади. Иттифоқ ҳудудини Ватан деб бўлмайди. Чунки ундан чиқиб кетувчи жумҳуриятлар бўлади, албатта. Ҳаёт тарзи шуни кўрсатиб турибдики, ССЖИга кириш қандай эркинликка, ихтиёрийликка амал қилинса, чиқиб кетувчи жумҳуриятларга ҳам ана шу имкониятлар берилиши шарт. Лойиҳада мана шу аниқ равшан кўрсатилиши зарур. Чунки Ватан — бу руҳий, тарихий тушунча. Иттифоқ эса аксинча — бу сиёсий тушунчадир.

Лойиҳанинг учинчи моддасига эътибор берайлик. Жумҳуриятлар сарҳадлари ўзаро келишиб ўзгартирилади, дейилади. Аммо бешинчи модданинг 2-банди, 3-моддага мутлақо зид. Шунингдек, 4-бўлимдаги жумҳуриятларга берилган «ҳуқуқлар»ни ямлаб еб юборади. Хуллас, моддалар гўё жанггоҳда турган қарама-қарши қўшинларнинг нақд ўзи.

Иккинчи банднинг 5-моддасига эътибор берайлик. Жумҳуриятлар давлат тилига қарши ССЖИ давлат тили, яъни рус тили савлат тўкиб турибди. Қани тиллар тенглиги?..

Жумҳуриятларнинг халқаро майдонга чиқишига ҳам маҳкам тамба ташланган. Мустақил жумҳуриятимиз БМТ минбарига кўтарила олмас экан, унда мустақиллик сўзининг қадр-қиммати қолмайди.

Иттифоқ шартномаси лойиҳасини ўқиб, мен шундай хулосага келдим. Бу шартнома лойиҳаси шу ҳолатда қабул қилинса, ССЖИ яна миллий низолар мамлакати бўлиб қолаверади. Уни тарих яна хомхатала ҳужжат сифатида рад қилади.

Сиёсий соҳадаги тенглик биздан узоқ йиллар юз ўгирди. Шунинг учун бу лойиҳадан тамомила воз кечилиб, уни юқоридан туриб эмас, балки жумҳуриятлар билан «давра стол» атрофида одиллик ва донолик мезонига таяниб, яратмоқ лозим. Акс ҳолда бу шартнома равнаққа эмас, таназзулга хизмат қилади.

Шартнома ҳар икки томоннинг ҳақиқий тенглигига асосланиши лозим. Шунда у адолатли шартнома бўла олади. Агар томонлар камситилса, унинг инсонпарварлиги, халқлар фаровонлигига хизмат қилиш хусусияти йўқолади. Бундай шартноманинг моҳияти ғолиб томон билан мағлуб томоннинг мажбурийлик асосидаги бир ёқлама битимдан фарқи йўқдир.

Демак, Иттифоқ шартномаси лойиҳасидан мана шу кучли ва кучсиз, мағлуб ҳамда ғолиблар битимининг ҳиди уфуриб турибди. Ўз-ўзидан равшанки, нописандликка асосланган келишув ички кураш ва зиддиятлар учун асосий манбадир.

Ҳолбуки, бизга XXI асрнинг тараққиёт йўлларидан бошлаб кетишга қодир, ихтиёрийликнинг чинакам ифодаси бўлган қардошлик шартномаси зарур. Токи унда давр руҳи барқ уриб, ҳаёт дарахтидек яшнаб турсин, бу ҳужжат. Йўқса, тарих ҳақиқатидан чекинишми?!

Жумабой РАҲИМОВ,

Қорииёзов номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот олийгоҳи тарих шўъбасининг катта илмий ходими, М. К. Крупская мукофоти совриндори.

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ДАВЛАТНИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ XXIV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

1. «Ўзбекистон ССЖда давлатнинг ёшлар сиёсати ҳақида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонуни лойиҳасининг асосий мазмуни маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ЛКЁИ съезди делегатлари томонидан тушган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонун лойиҳасини бир ой муддат ичида қайта кўриб чиқиш комсомол Марказий Қўмитасига топширилсин.

3. Ўзбекистон комсомолининг қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, мазкур «Ўзбекистон ССЖда давлатнинг ёшлар сиёсати ҳақида»ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши томонидан кўриб чиқишга киритилсин.

«ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИДАГИ НАЗОРАТ ҲАҚИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ XXIV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

1. Ўзбекистон ЛКЁИ комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Амалдаги комсомол ташкилотларининг тафтиш комиссиялари «назорат комиссиялари» деб номлансин ва Ўзбекистон ЛКЁИ комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги ушбу Низом асосида фаолиятлари амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси фаолияти Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий органлари, уларнинг аппаратлари, Марказий Қўмита қошида ташкил этилган ва ташкил этиладиган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа бўлимлар фаолиятида Устав нормаларига, съезд қарорларига риоя қилинишини назорат қилишга қаратилсин.

(НИЗОМ матни 2-бетда берилмоқда).

Долзарб мавзу

ҚАДРИГА ЕТАВЕРМАЙМИЗ

...Кўпчиликнинг эсида, уч-тўрт йил муқаддам йилт этган ҳар нарсага миллий маҳдудлик либосини кийдиришлар, туб жой халқни маданиятсизлигу жаҳолатга ботганликда айблашлар марказий матбуотдаги айрим мухбирлар ўртасида урф бўлган эди. Уларнинг игво тегирмонига ўзимизнинг орамиздан чиққан манқуртлар ҳам билиб-билмай сув қуярди. Жамиятимизда ҳукм сураётган ғалати мантиқсизликлар туфайли ғаламисларнинг ошиғи олчи эди. Ҳақ гапни айтиш учун «игна билан қудуқ қазишга» тўғри келарди. Шундай пайтларда Самарқанд Табобат олий билимгоҳи профессори Давлат ака Қўлдошев сингари тўғри сўз, фидойи олимларимизнинг илмий далилланган фикр-мулоҳазалари кенг жамоатчилик учун зарур эди.

Масала ойдинроқ бўлиши учун муаммога бир оз кенгроқ тўхталишга тўғри келади. Ҳамманинг эсида: жумҳуриятимиз аҳолиси гўшт-сутни ўртача Иттифоқ даражасига қараганда уч-тўрт баробар кам истеъмол қилаётгани ошкора айтилганда марказнинг гирром сиёсати фош бўлиши кимгадир ёқмади шекилли, халқимиз шаънига «Буларнинг серхаражат тўй-томошаси кўп, жоҳилона урф-одатлари билан бизга боқиманда бўляпти», деган турли таънадашном, тавқи-лаънатлар отила бошлади. Ҳатто Самарқандда бўлиб ўтган атеизмга доир минтақалараро анжуманда москвалик бир олим ўзбекларнинг келин тушириш ва суннат тўйлари жаҳолат белгиси, дея бизнинг устимиздан кулган, ҳаммани «эскилик сарқити» бўлмиш бундай тўйларга қарши курашишга чақирганди.

Пахтага сепилаётган заҳри қотиллар халқни майиб-мажруҳ қилаётганлиги, болалар ўлими кенг тус олганлиги рўй-рост айтилганда эса «топқирлар» бунга ҳам «йўл топишди». Нима эмиш, болалар ўлимининг даҳшатли тус олаётганига ўзбек аёлларининг кўп туғиши сабаб бўлаётганмиш. Игвогарлар бу гал «оилани режалаш» деган қитмирона тадбирни ўйлаб топишди. Орол фожиаси ошкор бўлганда эса асосий сабаблар бир ёқда қолиб, тўқиб чиқарилган гирт бемаъни гаплар билан жамоатчиликнинг фикрини чалғитишга зўр берилди.

Аёллар ўртасида жонига қасд қилиш авж олганда-ку, «ақлли» оғаларимиз бу — миллий фожиа, бу Исломнинг таъсири, диний урф-одатлар қулига айланишнинг, хурофот чуқур илдиз отишининг натижаси, деб аюҳаннос солдилар. Ҳатто Самарқанддаги куйганларни даволаш маркази врачи номидан мақола уюштириб, яна ҳамма нарсани ўтмиш иллатларига боғлашдек сийқаси чиққан сиёсатни ишга солдилар. Асл сабаблар билан эса қизиқмадилар.

Профессорнинг кўп йиллик кузатишлари, фожиа билан тугаган тақдирлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари назаримда ҳақиқатга яқиндай эди.

— Бу фожианинг сабаблари ҳақида айтилаётган фикрларга мутлақо қўшилмайман. Исломнинг ҳам, ўтмиш иллатларининг ҳам бунга алоқаси йўқ. Ислом ўзига ўт қўйиш, умуман жонига қасд қилишни қатъий қоралайди. Ҳатто бундайларга жаноза ҳам буюрмайди.

— Ундай бўлса, сабаб нимада?

— Кузатишимча, — дейди профессор. — Бундай фожиага қўл урганларнинг аксариятида руҳий-психологик ўзгаришлар таъсири бор. Негаки, соғлом одам, комил инсон камдан-кам ҳолдагина бундай қалтис ишга қўл уради. Эътибор беринг, жонига қасд қилиб, ўзини ёқаётганларнинг аксарияти қишлоқ аёллари. Шаҳарда, ҳаттоки, олис тоғ қишлоқларида ҳам бундай фожиалар йўқ.

— Шаҳарлар ва олис тоғ қишлоқларидан фарқли равишда ёнимиздаги қишлоқларда бундай фожиаларни келтириб чиқарувчи қандай вазият бор? — деб сўрайман.

— Ҳамма гап шунда-да! Мен айтмоқчиманки, пахтазорлар исканжасидаги қишлоқлардаги одамларнинг муайян қисми руҳий жиҳатдан соғлом эмас. Энг бирламчи сабаб шу. Руҳий жиҳатдан носоғлом одам ижтимоий адолатсизлик гирдобига тушганда арзимас воқеа туфайли ўзини қурбон қилавериши мумкин. Тўғри, қишлоқлардаги одамлар ночор маиший шароитларда яшайдилар. Бу онгга ҳам таъсир қилади. Бироқ, онг ва тафаккурнинг жиловланиб ётганлиги — булар тоғдаги қишлоқларга ҳам хос хусусият. Бироқ фарқ шундаки, одамлар тоғда пахта билан шуғулланмайдилар. Пахтани деб ўз устидан заҳри қотилларни сочмайдилар. Одамларни ақлдан оздириб, иродасини букиб, руҳан ночор аҳволга солаётган — бу, пахтачиликда, тамакичиликда, баъзан эса ҳатто полизчиликда ҳам кенг қўлланилган заҳарли «ёв»лардир.

Дарҳақиқат, профессорнинг далиллари асосли эди. ДДТ, бутифос сингари заҳри қотиллар ҳозирда таъқиқланган бўлишига қарамай, ишлатилганларининг зиёни ҳам кўп ўн йилликларга етади. Чунки, бутун муҳит, ейдиган овқатимиз, ичадиган сувимиз, нафас оладиган ҳавомизгача шу дорилар билан оғуланган. Тоғларда эса аввало пахта йўқ, демакки, оғу дорилар ҳам ишлатилмаган, ҳавоси мусаффо, яна пахтадаги сингари қулларча меҳнат ҳам йўқ...

Давлат Расулевич Қўлдошев очиб берган бу кичкина ҳақиқат яна кўп нарсаларни ёдимга туширди. Эсимда, бутифосни таъқиқлаш учун кураш авж олган кезларда бир гуруҳ жамоатчилик намояндалари, адиб ва олимлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да ҳукумат номига хат билан мурожаат қилган эдилар. Унда катта-катта унвонларга эга таниқли тиббий олимнинг ҳам исм-шарифи бор эди. Ташаббускорларнинг даъвати билан мен бу хатни ўша ҳурматли олимимизга олиб бориб рози бўлса имзолатиб келишим керак эди. Бироқ, ҳалиги академигимиз «бутифосни қўллаш таъқиқлансин» деган хатга имзо қўйишдан бош тортди. Бу хат унинг «муборак номи»сиз чиқди. Орадан бир оз фурсат ўтиб заҳри қотил бутифос ҳам таъқиқланди. Бироқ, ҳамон бутун илми, виждони, диёнатини ўз халқининг соғлиги, келажак авлодларнинг баркамоллиги учун эмас, балки катта-катта унвонларга садақа қилган ўша академик кўз олдимдан кетмайди.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, Давлат Расулевич сингари камсуқум, фидойи олимларимиз кўзимга авлиёдек кўриниб кетади. Фақат биз ҳаммавақт ҳам бундай дангалчи одамларнинг қадрига етавермаймиз...

Мурод АБДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон ЛКЁИ комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномасининг, Уставининг ҳамда олий органларининг қарорларини тегишли комсомол органлари ва уларнинг аппаратлари фаолиятида бажарилишини назорат қилиш мақсадида комсомол ташкилотларининг йиғилишлари, конференциялари ва съезди томонидан сайланади.

2. Назорат комиссиялари социалистик қонунчилик, жамоавийлик ва ошкоравийлик асосида ҳаракат қилади.

3. Назорат комиссиялари Ўзбекистон ЛКЁИ Устави доирасида мустақилдирлар, бошланғич ташкилотларида — йиғилишга, ноҳия, шаҳар ва вилоят ташкилотларида — конференцияга, Марказий Назорат Комиссияси эса съездга ҳисобот берадилар.

Назорат комиссияларининг фаолияти юқори комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Назорат комиссияларининг фаолият тартиби ушбу Низом, Ўзбекистон ЛКЁИ Устави талаблари ва амалдаги қонунлар билан белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон ЛКЁИ съездлари, жумҳурият комсомол конференцияларининг қарорларига амал қиладилар.

II. НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА САЙЛАНИШ ТАРТИБИ

5. Комиссияларнинг миқдорий ва шахсий таркиблари йиғилиш, конференция ва съезд томонидан белгиланади. Назорат комиссияси аъзолари комсомол ташкилотларининг миқдор таркибига қараб белгиланган ваколат нормалари юзасидан тавсиялари бўйича сайланадилар.

6. Назорат комиссиялари бутун ҳисобот даврига, келгуси съезд, конференция, йиғилишгача сайланадилар.

Комсомол қўмиталарининг аъзолари уларнинг аппаратлари ходимлари ҳамда комиссия томонидан текширилувчи корхоналар ходимлари тегишли назорат комиссиялари таркибига сайлана олмайдилар.

7. Назорат комиссиялари ўз ташаббуси ёки бошланғич комсомол ташкилоти ва тегишли комсомол ташкилотлари таклифи бўйича комиссия таркибидан ўз аъзосини чақириб олиши мумкин. Назорат комиссияга янги аъзони киритиш тўғрисидаги масала бошланғич комсомол ташкилоти ва тегишли комсомол ташкилотлари тавсиялари асосида ҳал этилади. Қарор комиссия аъзоларининг 3/2 кўпчилик овоз бериши билан қабул қилинади.

Ҳисобот даврида назорат комиссияси таркибининг ярмигача янгиланиши мумкин.

8. Назорат комиссияси раиси съезд, конференция, йиғилиш томонидан сайланади. Комиссия раиси ҳисобот даврида комиссияга ҳисобот беради ва комиссия томонидан унинг таркибий кўпчилиги билан қайта сайланиши мумкин.

III. ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

9. Назорат комиссиялари ўз ваколати доираларида йиғилишга, конференцияга, съездга тегишли комсомол қўмиталари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисида хулоса тақдим этадилар.

10. Назорат комиссиялари ўз ташаббуси, тегишли комсомол қўмиталари, олий ва сайлаб қўйиладиган органлари, комсомол ташкилотлари, Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари ташкилотлари бўйича ўзининг вазифаси доирасида тегишли комсомол ЛКЁИ қўмитасига қўмита, унинг бюроси, Ўзбекистон ЛКЁИ съездлари ва жумҳурият комсомол конференциялари қабул қилган қарорлар, Ўзбекистон ЛКЁИ Устави, амалда бўлган қонунларга мувофиқ келиш-келмаслиги тўғрисида тегишли қарорлар ёки ҳужжатларнинг лойиҳаларини тақдим этади. Тегишли комсомол қўмиталари тақдим этилган хулосаларни мажбурий тартибда кўриб чиқади.

11. Назорат комиссиялари ўз фаолиятлари юзасидан қарор қабул қилади, текширишлар ва тафтишларнинг якунлари бўйича актлар тузади. Уларнинг натижалари тафтиш қилинган органлар ва бўлинмалари маълумотига етказилади. Тегишли комсомол қўмитаси тасарруфида бўлган тафтиш қилинадиган органлар, корхоналар ва муассасалар назорат комиссияси қарорлари, актларини кўриб чиқади ва комиссия белгилаган муддатларда улар кўрсатиб ўтган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар рўёбга чиқарилиши тўғрисида унга маълум қиладилар.

Зиддият ёки бузилиш аниқланганда назорат комиссияси ҳужжатларни қабул қилган органларга, корхоналарга ва муассасаларга тақдимнома юборадилар.

Назорат комиссияси қабул қилган қарор асосида, тафтиш қилинаётган ҳужжатларнинг ҳаракати тўхтатиб турилиши мумкин.

Назорат комиссиясининг тақдимномасидан норози бўлинган тақдирда улар ўз фикрларини юқори комсомол қўмиталари ва назорат комиссиялари маълумотига етказадилар.

Баҳсли қарорлар назорат комиссиялари ва комсомол қўмиталарининг қўшма пленумларида ҳал этилади.

12. Назорат комиссиялари ўтказилган тафтиш ва текширишлар якунлари бўйича комиссия ёки унинг бюроси айбдор шахсларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортишни талаб қилишга ҳақлидир. Аниқланган камчиликлар, бузилишларни бартараф этиш пайтида сансалорлик кўрилганда, тартиб ўрнатиш тўғрисидаги талаблар эътиборсиз қолдирилган ҳолларда комиссия тегишли комсомол қўмитасига, уларнинг раҳбарларига ёки ходимлари интизомий таъсир, эгаллаб турган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга, тавсияномага комиссия белгиланган муддат ичида асосли равишда жавоб олинади.

13. Назорат комиссиялари тафтишлар, текширишлар натижалари тўғрисида ўз қарорлари бўйича тегишли комсомол қўмиталарининг пленумларида, йиғилишларида маълумот беради ва оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларини хабардор этади.

14. Назорат комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажариш пайтида комиссия томонидан бевосита олинган, шунингдек, комсомол қўмиталари ёки уларнинг бўлимлари ихтиёрида бўлган барча ҳужжатлардан фойдаланадилар.

15. Назорат комиссиялари:

— тегишли комсомол қўмиталарининг, ташкилотларининг бюджети лойиҳаси юзасидан хулоса берадилар, унинг бажарилишини тафтиш қиладилар, аъзолик бадалларини ўз вақтида ва тўғри тўланишини текширадилар, тегишли комсомол қўмитаси ҳузурида ёки унинг иштирокида ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қиладилар;

— тегишли комсомол қўмиталарида, ташкилотларида, унинг муассасаларида ва босма органларида ишларнинг ўтиши, комсомолларнинг хатлари, шикоятлари, таклифлари ва танқидий фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқиш юзасидан белгиланган иш тартибларига риоя қилинишини текширадилар;

— аниқланган камчиликлар ва бузилишларни бартараф этишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар, тегишли комсомол қўмиталарининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритадилар;

— юқори назорат комиссиялари тегишли комсомол қўмиталари билан биргаликда қуйи назорат комиссияларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатадилар.

16. Назорат комиссиялари амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда, съездда ҳисобот берадилар ва ўз фаолиятининг натижалари учун уларнинг олдида жавобгар бўладилар.

17. Комиссия аъзосини комсомол жавобгарлигига тортиш тўғрисидаги қарор комиссия тақдимномаси бўйича уни тавсия қилган комсомол ташкилоти томонидан қабул қилинади.

18. Назорат комиссиясининг раиси, унинг йўқ пайтида ўринбосари, масъул котиби тегишли комсомол қўмитасининг бюроси, котиблар кенгаши ишида маслаҳат овози ҳуқуқига эга ҳолда қатнашади.

Тегишли комсомол қўмиталарининг бюро, котиблар кенгаши ва комиссиялари ишида зарурат бир пайтларда назорат комиссияларининг аъзолари ҳам маслаҳат овоз ҳуқуқи билан қатнашишга ҳақлидир.

IV. НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ МАҚОМИ

19. Назорат комиссиялари аъзоларининг мақоми ушбу Низомдан келиб чиққан ҳолда уларнинг мажлисларида, пленумларида тасдиқланади.

V. НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИ

20. Назорат комиссиялари пленуми, мажлиси, уларнинг фаолиятига жамоавий раҳбарлик қилиш шакли ҳисобланади. Пленумлар, мажлислар тегишли комсомол қўмиталари пленумларини ўтказиш учун белгиланган муддатларда, аммо ундан кам бўлмаган ҳолда, бошланғич комсомол ташкилотларида эса заруратга қараб ўтказилади.

Зарурат туғилган тақдирда комсомол қўмитаси ва комиссиянинг қўшма пленумлари чақирилади. Уларда комиссия аъзолари ҳал қилувчи овоз ҳуқуқида қатнашадилар. Қўшма пленум қарори ҳар бир сайлаб қўйиладиган икки орган қатнашаётган аъзоларининг ярмидан кўпи уни ёқлаб овоз берган тақдирдагина қабул қилинган, деб ҳисобланади.

21. Назорат комиссиялари ўз фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича шўъба ташкил қилиши мумкин, бюро, раис ўринбосарини сайлайди, комиссиянинг масъул котибини ва шўъбалар раҳбарларини тасдиқлайди.

22. Назорат комиссиялари ўзларининг амалий фаолиятларини албатта кенг комсомоллар оммасига суянган ҳолда амалга оширадилар.

23. Комиссиялар аппаратининг бошқа ишлардан озод қилинган ходимлари сони, уларнинг тузилиши ва штатлари комиссиялар бюроси тақдимномаси бўйича уларнинг мажлислари ёки пленумларида аниқланади, ходимлари эса комиссия бюроси томонидан тасдиқланадилар ва вазифаларидан озод этиладилар.

24. Зарурат туғилган пайтда тафтишлар ўтказиш учун мутахассислар жалб этадилар, уларнинг ишларига белгиланган тартибда ҳақ тўланиши мумкин. Комиссиялар фаолиятида комсомол ходимлари бўлмаган комиссия аъзоларининг асосий ишларидан озод қилинган ҳолда иштирок этган даврларига комиссия бюросининг қарори бўйича ҳақ тўланиши мумкин.

25. Назорат комиссиялари фаолиятини маблағ билан таъминлаш комиссияларнинг иш режаси, тузилиши ва штатларидан келиб чиқиб, комиссияларнинг йил бўйича тасдиқланган алоҳида сметаси бўйича тегишли комсомол қўмиталари бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Маблағларни сарфлаш назорат комиссияларининг қарорлари асосида тегишли комсомол қўмиталарининг бухгалтерияси орқали амалга оширилади.

Комиссиялар раисларига назорат комиссиялари сметалари доирасида кредитларни тақсимлаш ҳуқуқи бериб қўйилади.

26. Назорат комиссиялари уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари доирасидаги фаолияти учун зарур бўлган маблағ билан таъминлайдиган системаси яратишга интиладилар. Зарур шароитлар мавжуд ҳолларда назорат комиссиялари мустақил равишда комиссияларнинг молия-хўжалик фаолиятини юритиш учун ўзларининг ҳисоб счётларига эга бўлишлари мумкин.

27. Назорат комиссиялари ўз номи битилган муҳрга эга бўлишлари мумкин.

28. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси, Марказий Назорат Комиссияси, вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари назорат комиссияларининг мустақил равишда фаол иш олиб бориши учун барча шароитларни яратишда ва керакли маблағ билан таъминлашда доимо иштирок этадилар.

VI. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ

29. Жумҳурият комсомол ташкилотининг назорат комиссияси Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси (МНК) деб номланади.

30. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссиясининг раиси, унинг ўринбосари, масъул котиби ва шўъбалар раҳбарлари бошқа ишлардан озод қилинган комсомол ходимлари бўладилар. МНКнинг штатлари ва тузилмасини ўзгартириш ҳуқуқи Ўзбекистон ЛКЁИ МНКнинг пленумига берилади.

31. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси ўз номи битилган муҳрга эга бўлади.

32. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссиясининг аппарати Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси билан биргаликда Тошкент шаҳрида жойлашади.



Мен—Исмат ХУШЕВ, ЎЗБЕКМАН!

БУГУНГИ КУН бўлажак тарихчилар учун бой маънавий «озуқа» тайёрлаяпти. Табиийки, маълум вақт ўтгач, улар ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйиб, воқеалар туркумини, уларнинг йўналишларини аниқлайдилар, ҳозирги жараёнларни лотин-грек атамалари билан изоҳлаб, камчиликларни топадилар, кимнидир осмону фалакка кўтариб, кимнидир пастга урадилар. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги тарихчилигимиз ўзгармай сақланиб қолса, ишлар худди шундай бўлади. Лекин биз-чи? Воқеаларни ўз бошимиздан кечириб, уларни қора ёки оқ деб баҳолашга ўрганган ва буларнинг ортида яна қандай ранглар бўлиши мумкинлигини билолмаганлар бўлиб ўтаётган ҳодисаларга қандай қарашимиз керак? Биз ҳам ўнгу-сўлга ҳар хил чақириқларни ташлаб, одамларга ўзимизча баҳо берамиз: бу—экстремист, бу — миллатчи, мана буниси эса мутлақо бегона одам.

Афсуски, бунга мисоллар керагидан ҳам ортиқроқ. Шуниси борки, бундай гап-сўзлар бозордаги оддий ғийбатлардан олинмаган, улар ҳужжатларга асосланган: рўзнома ва ойномалар, радио ва ойнаи жаҳон эшиттиришлари, кўрсатувлари халқ депутатларидан тортиб то сиёсий шарҳловчиларгача, вазирдан то оддий фирқа ходимигача бўлган турли даражадаги арбобларнинг нутқлари бу гап-сўзларга замин яратаяпти. «Московское новости», «Труд», «Известия» рўзномаларида чоп этилган кўплаб мақолаларни эслайлик. Мана энди эса «Союз» ҳафталиги «170 минг ички муҳожирлар» ҳақидаги аломат рақамларни берибди. Бундай ғоялар тарғиб қилинавергандан кейин хоҳласак, хоҳламасак Ўзбекистонимиз порахўр, савдогарлар, нашавандлар, миллатчи ва экстремистлар билан тўлиб кетганига албатта ишониб қоламиз-да!

Тўғри, Ўзбекистонда ҳам ҳамма нарса силлиқ кетмаяпти. Лекин ишонч билан шуни айтишим мумкин: Президент, жумҳурият ҳукумати энг муҳим муаммоларни бартараф қилишга астойдил киришганлар, бир қатор масалалар ҳал қилинди, ҳам. Лекин кўп йиллар давомида зиддиятлар тугуни шунчалик мустаҳкамланиб кетдики, уларни бир ҳаракат билан ечиб, ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун вақт, маблағ талаб қилинади, асосийси, ён-атрофдагиларнинг ишончи, тушуниши, воқеаларга ҳаққоний баҳо бериш, қалтис вазиятларни сезиш ва уларнинг олдини олиш жуда муҳимдир. Фақат жумҳуриятнинг якка ўзи, Иттифоқ ёрдамисиз иқтисодий ва экологик зиддиятлар уммонидан чиқиб кета оладими? Афсуски...

«Пахта миллий бойлигимиз» деган шиор бир беш йилликдан иккинчи беш йилликка ўтди, оммалашди, матбуотда ҳам, оғзаки нутқларда ҳам қайта-қайта такрорланди, неон чироқлари порлаб бу сўзларни ҳаммага етказди. Бу шиорнинг сиёсий негизи пахта етиштиришда чет элларга ялинмай тўла мустақилликка эришиш лозим деб изоҳланарди. Жумҳурият байроғидаги мукофотлар, кўпсонли юлдузли Қаҳрамонлар, айниқса раҳбарларга берилган мукофотлар бу соҳада мустақилликка эришилганини исботлаяпти. Тўғри, баъзан мукофотларга оддий пахтакорлар ҳам сазовор бўлиб қолишарди. Фақат шугина холосми, дерсиз? Ҳа, шу холос, «миллий бойлик» ортидан эришганларимиз шу.

Қачонлардир сермаҳсул водийлари, олтин булоқли тоғлари, йил давомида мовий осмони мусаффо бўлган ўлка бугун яшаш учун хавфли жойга айланган. Сиз жуғрофий хариталарга эътибор берманг: илгарилари суви тўлиб-тошиб оққан Сирдарё ва Амударё ирмоқларининг аксарияти қуриб битган, улар ўрнида барханлар ва қум уюмлари пайдо бўлди, Орол-чи, уни бугун касал дейиш тўғри бўлмас —у ҳалок бўлган!

«Миллий бойлигимиз»га нафақат ерларимиз, балки унда яшовчилар ҳам қурбон қилинди. Ишонмасангиз, Ўрта Осиё жумҳуриятларига ҳар йили «десант» сифатида юбориладиган россиялик, украиналик юзлаб врачлар, ҳамширалардан сўранг, улар сизга кўп нарсаларни — пахтакор аёлнинг заҳарланган оналик сути ҳақида, ақлга сиғмайдиган даражадаги болалар ўлими кўплиги, касалманд ва нимжон ёш авлодимиз ҳақида сўзлаб беришлари мумкин... Баъзи врачларнинг халқимизнинг насли бузилганлиги тўғрисидаги хулосасини айтиш эса янаям оғир, даҳшатли.

Чернобиль фожиаси — бир зумлик портлашга жам бўлган жинояткорона лоқайдлик оқибати. Менинг юртимда эса Чернобиль ўн йиллар мобайнида пишиб етилди. Унинг оқибатлари Чернобилдагидан фожиалироқ бўлса борки, кам эмас. Ўзбек қаерга бошини урсин?! Ўз юртини ташлаб Ноқоратупроқли зоналарга кўчсинми?

Россия, Украина, Татаристон, Бошқирдистон, Волга бўйи ва Қримда туғилганлар шундай қилишаяпти. Устига-устак секин-аста, минг қийинчиликлар билан адолат тантана қилаяпти: қрим татарлари, Волга бўйи немислари ўз тарихий ватанларига қайтишаётгани учун уларни қоралашимиз керакми? Сталин қатағони йилларида юртимизда паноҳ топган кишилар, бу ерда инсоний меҳр-шафқатни ҳис қилдилар. Ўша пайтлари бундай меҳр ош-нондан ҳам зарурроқ эди. Бугун улар кўзда ёш — шодлик ва айрилиқ кўз ёшлари ила биз билан хайрлашмоқда. Кузатиш чоғлари эътибор беринг-а, душманлар бундай хайрлашмайди!

Менга минг-минглаб «ички эмиграция» хусусида гапирганларида вокзал ва тайёрагоҳлардаги кетаётган ва кузатаётганлар тўдаси кўз олдимга келади. Кечки пайтлари маҳаллалардан ўтаётганимда эса узун ўриндиқларда суҳбатлашаётган ўнлаб чоғли миллат вакилларини кўраман. Шунда ўйлаб қоламан, биздан кетаётганларнинг аксарияти экологик аҳвол туфайли эмас, балки миллатлараро низолар боис кетаётганликлари хусусида ҳам ўйга толаман. Хўш, кўр-кўрона бебошликнинг, тўкилган қонларнинг сабаби нимада? Тўғриси ўзим ҳам билмайман.

Бу ижтимоий сабаб баъзилар хоҳлаганидек у қадар юзаки, жўн бўлмасада, афсуски шундай. Ўз айбини биринчи дуч келган энг яқин кишига тўнкашга уринишми бу? Ёки устамон «режиссёр»нинг маҳоратими? Кўринишдан бу ерда ҳар учаласининг ҳам қусурлари бор. Фақат совуққон, холисона таҳлил, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат йўқ. Фарғона «қулупнай»ларини қонунчилар «еб юборишди», вақт ўтаётир, ҳодисалар тинчиб, эсдан чиқа бошлади... Лекин ундан кейин Андижон, Паркент, сўнг Ўш... Ҳамма жойда «экстремистлар айбдор». Асл ҳақиқатни билиб, бошимиздан ўтган кулфатларнинг жиддий таҳлилини — сиёсий баҳосини тушуниб ета оламизми? Асосий масала ана шунда.

Ҳар қандай ҳаракат акс таъсир кўрсатиши мумкин — бу табиат қонунидир. Бу жараён анча вақтга қадар бутун жамият қалбида туриши, лекин эртами-кечми у ошкор бўлиши табиий. Жумҳуриятлар ўз мустақилликларини эълон қилишгач, шунга ўхшаш ҳоллар рўй бермоқда. Бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас. Бир сўз билан айтганда, қонун жумҳуриятларда истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқли эканликларига кафолат беради. Шунга қарамай бизда ҳам «шарҳловчилар» топилди. Ўзбекистон пойтахтининг деярли ярим рус миллатли аҳолиси бу ерда чорак, ҳатто ярим аср яшаб ҳам ўзбек тилида бир неча сўзни ўрганишни ўзларига эп кўрмадилар. Мушкул сўзлар у ёқда турсин, энг енгил «нон», «сув», «дўстим», «ота», «она» каби сўзларни ҳам билмайдиган дўстларнинг дўстлигига ишониш мумкинми?

Афсуски, кўпгина зиёлиларимиз «миллатчи» тамғасини олишдан чўчиб, уч-тўрт рус миллатига мансуб кишилар иштирок этаётган мажлисларни ҳам албатта рус тилида олиб боришади (асосан Тошкентда). Мен раҳбарлик қилаётган «Ҳаёт ва иқтисод» ойномасининг рус тилидаги «Жизнь и экономика» нашри ходимлари ўзбек тилини билмаганликлари туфайли ўзим ҳам йиғилишларни рус тилида олиб боришга мажбурман. Гоҳо тушуниб бўлмайди, ўзи бу одамлар Ўзбекистонда яшаяптими ё Россиядами? Зотан рус алифбосида ўзбек тилида ёзилган «Пушкин кўчаси»ни рус миллатидаги киши «улица Пушкина» эканлигини тушуниши керак. Бироқ рус оғаларимиз бундай ҳолларни ўзларининг насл-насаби камситилгандек, топталгандек тасаввур қилишлари ачинарли ҳол. Бу эса узоқ муддат давом этувчи турли ўй-фикрлар тарзини келтириб чиқаради. Бунда мен миллатчилик, панисломизм ёҳуд бошқа нарсаларни ҳам назарда тутаяпман.

Биз бундай тушунчалар билан осонгина келишамиз. Ўттизинчи, ҳатто қирқинчи йилларда ҳам ўз халқининг тарихий одатлари, авлод-аждодларининг неча юз асрлик тарихга эга маданияти, фани ҳақида сўзловчи улкан ва жуда бой билим китобини очишга уринганларга ҳеч уялмай ана шундай тушунчаларни ёпиштиришди. Эски ёзувда Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Бобур, Навоий, Машраб, Огаҳий, Фурқат каби алломалар бебаҳо дурдона асарлар битишган. Ҳаттоки, ўша эски ўзбек ёзуви ҳам кимларгадир ёқмай қолди. Шўро даврининг улкан олимлари ва шоирлари Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларни нобуд қилишди... Араб алифбосидаги лотин ёзувига, кейинчалик кириллицага ўтилди. Ана шу «саводсизлик» йўлини ота-боболаримиз босиб ўтиб, охир-оқибатда ҳақиқий саводсиз бўлишди ва ўз тарихлари силсиласида қолиб кетаверишди. Эндиликда фарзандлар ана шу манбаларга қайтишмоқда.

Бу йил Иттифоқимиз ойнаи жаҳон ёрдамида қадимий ва ҳамиша навқирон бўлган, лекин бир неча йиллар давомида таҳқирланган ва тақиқланган Наврўз байрамини томоша қилиши мумкин бўлди. Буни қарангки, баҳорги тенгкунлик байрами социализм ғояларига, байналмилалчиликка зид деб номланган эди. Бу — Наврўзга Ўзбекистон Компартиясининг бош мафкурачиси берган баҳо. Фақат мен эмас, балки кўпчилик уни, яъни мафкурачининг ёлғиз эмаслигига, унинг ҳайбаракаллачилари Марказда ҳам бўлганлигига ишонамиз.

Ҳар бир ҳаракат ўз навбатида қарши ҳаракатни келтириб чиқаради. Шундай экан, кўриниб турган нарсани тан олиш керак: нифоқлар — «марказ» деб аталувчининг якка ҳукмронлигига, кўп йиллик қарамликка, «тенглик», «биродарлик», «гуллаб-яшнаш» ҳақидаги кўриниб турган ва ялтироқ ёлғонларга қонуний жавоб!

Ҳа, бизда тенглик ва биродарлик бор эди. Бироқ булар қашшоқлик ва ҳуқуқсизлик ичида бўлган! Мамлакатимизнинг барча халқлари бюрократик, яъни тўрачилик системасининг зулмини ўзларида теппатенг ҳис этдилар. Бу система ҳозир ҳам жамиятдаги ошкоралик жараёнига тўсқинлик қилмоқда. Барча миллатларнинг ўз ғурурини тиклаш учун қилаётган ҳаракатларига қаршилик кўрсатмоқда. Унинг қўлида — демагогия, душман образини яратишга устамонлик ва улкан тақчилликдан ҳам ўз мақсади йўлида фойдалана билиш каби қуроллари бор. Статистика меҳнат унумдорлиги тобора ошиб бораётганини кўрсатсада, негадир дўкон пештахталари бўм-бўш. Украина ҳолсизланаяпти, заводлардан шакарни ташиб олишни талаб қилишаяпти — мамлакат эса қўлида фойдаланилмаган талонлари билан ўтирибди. Бизда, Ўзбекистонда ёз ва куз ойларида тонналаб помидор, бодринг, полиз маҳсулотлари нобуд бўлди. Афсуски, уларни ташийдиган яшиклар, ихтисослашган вагонлар йўқ. Уралда қайинлар — ажойиб бинокорлик материали, ҳеч нарсага ярамайдиган ёғоч саналиб, уйларни иситиш учун ишлатилмоқда. Ўз-ўзидан йўқолиб кетаётгани эса ҳисобсиз... Шу нарсалар алмаштирилганда эди, август ойларида Свердловск давлат савдоси помидорнинг бир килограммини 2,5 сўмдан тиқиштирмаган, ўзбек деҳқони эса уйининг томини мўрт терак билан ёпмаслиги мумкин бўлар эди. Албатта мумкин эди, аммо...

Келинг, энди буларга изоҳ ҳам шартмас. Ахир тузумнинг моҳияти шунда-да.

ҲАР ҲОЛДА, у ўз позицияларидан чекиняпти. Тарих ғилдирагини орқага буриб юбормоқчи бўлаётганларга энди ҳеч қанақа сўзамоллик ёрдам бермайди. «Миллатчилик», «шовинистик» деган қармоққа бир тушиш мумкин, бошқа сафар қармоқ бўш қолади. Чунки ўзбек халқи ҳам ССЖИнинг бошқа халқлари каби тинч-тотув яшашни истайди, у иқтисодий ва маънавий тикланиш сари интилмоқда.

(«Союз» ҳафтаномасининг 47-сонидан).

Хориждан хабарлар

ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚҚА ЭГА

АФИНА. Греция Германиядан иккинчи жаҳон уруши чоғида кўрилган зарар учун товон тўлашни, шунингдек, Греция Германия босқинчи қўшинларига мажбуран берган қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш учун қонуний ҳуқуққа эга. Греция бош вазири Константинос Мицотакис парламентда оппозициячиларнинг сўровига жавоб бериб шуларни таъкидлади.

Сўл кучлар уюшмасининг раҳбари Харилаос Флоракис бош вазирга мурожаат қилиб, иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Германияга берилган қарз пулнинг ўша даврдаги қадри билан ҳисоблаганда 3,5 миллиард долларни ташкил этишини таъкидлади.

ҲИБСГА ОЛИНДИ

ЛОНДОН. Бангладеш полицияси бу мамлакатнинг собиқ президенти Х. М. Эршодни ҳибсга олди. У бундан бир неча кун илгари оппозиция тазйиқи остида ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилган эди, деб хабар беради Рейтер агентлиги Дакка шаҳридан.

Бангладешдаги асосий сиёсий партиялар 1982 йилнинг март ойида қон тўкишсиз қилинган давлат тўнтариши даврида ҳокимиятни эгаллаб олган Х. М. Эршод судга берилишини талаб қилмоқдалар. Улар собиқ президентни порахўрликда, мансабни суиистеъмол қилишда ва давлат маблағини ўзлаштиришда айбламоқдалар.

Полиция расмий вакили собиқ армия генерали Х. М. Эршод пойтахт ҳарбий гарнизонидаги ўз уйида қамоққа олинганини айтди. (ТАСС).



— Замонавий аёлни ана шундай либосда, хушбичимликда кўришни истайман, — дейди италиялик модельер Д. Армани.

АНСА — ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ФАНТАСТИКА КОЛЛЕКЦИЯСИ

● ТОРОНТОДА (Канада) фантастиканинг энг катта коллекцияси мавжуд. Коллекция 20 минг илмий-фантастик роман ва қиссалардан, ҳикоялар тўпламидан, шунингдек, ойнома ва адабиётлардан, фазовий тадқиқотлар ва кузатувлардан иборат бўлиб, у шаҳарнинг марказий қироатхоналаридан бирида сақланмоқда, деб хабар беради «Орбита» (Булғория) ҳафталиги.

ШАҲАР АҲОЛИСИ ҚАМАЛДА

● ЗИМБАБВЕНИНГ шарқий чегара қисмида жойлашган Мвезени шаҳарчаси аҳолисини икки ҳафтадирки бабуин (маймун)лар галаси қамал қилиб турибди. Мактаблар, корхоналар ёпиб қўйилган. Ҳатто одамлар куппа-кундузи кўчага чиқишдан чўчишмоқда.

Оғирлиги 30-40 килограмм келадиган бу маймунлар далалардаги деярли бор ҳосилни еб қўйишди.

Мвезени шаҳар Шўроси улардан қутулиш учун ҳукуматдан ёрдам сўрамоқда.

СОАТИГА 249,9 КИЛОМЕТР

● ЙЎЛ қоидасини бузувчилар орасида номи «Гиннеснинг рекордлар китоби»га тиркалиши мумкин бўлган рекордчилар ҳам бор экан. Бундай «муваффақиятга» мушарраф бўлганлардан бири Жанубий Африканинг Питерсбург шаҳрида яшовчи 22 ёшли йигит Салим Айобдир. У ўзининг «БМВ» маркали автомобилини жуда катта, яъни соатига 249,9 километр тезликда ҳайдаб кетаётганида мамлакат полициячилари томонидан тўхтатилган ва 1000 ранд жарима билан «сийланган».

Бундан ташқари полициячига пора таклиф қилганлиги учун ҳам 2000 ранд жарима солинган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

УШБУ МАКТУБИМНИНГ «тақдир» каломига «таҳқир» сўзини ёнма-ён қўйиб ёзаётганимдан ажабланманг. Дарвоқе, мен ҳам ўзбек тупроғида ўсиб-ўлғайиб, ўзимни бахтли тақдир эгаси, деб юрган турк ўғлони эдим. Оташнафас шоир Мақсуд Шайхзоданинг «биз турк ерида туғилиб, ўзбек заминида эътибор топдик. Бу замин онамиздай бошимизни силади, кемтик бағримизни бутун қилди, кўздаги ёшимизни аритди. Биз волидамизни қанчалик севсак, Ўзбекистонни ҳам шунчалик суйишимиз шарт» деганида тамомила ҳақ эди. Ҳа, такрор-такрор айтаман гарчи ўзга юртдан бўлсамда, Бухоройи шарифда фақат меҳр-оқибат кўрдим. Бирорта ўзбегу тожикнинг «сен турк боласи экансан, нонимизга нега шерик бўлдинг?» деганини эшитганим йўқ.

Болаликнинг кўзи тийран ва мусаффо бўлади, дейишади. Ҳали-ҳали эсимда: 1944 йили Ахалцихедан Ўрта Осиёга бадарға қилиндик. Мен ўшанда 5 яшар гўдак эдим. Узоқ йўлда қанча-қанча элатдошларим очликдан, азобу уқубатдан бевақт кўз юмишди. Раҳматли бувим айтгучи эди. Ҳеч кимсани ўз туққан еридан, туғишганидан айирмасин деб. Гарчи сургундан сўнг дардимизга шерик бўлган ўзбек қондошларимиз бизга бегоналик кўрсатмаган бўлсаларда, бобо-бувиларим, ота-онам, кекса қариндошларим дунёдан армон билан ўтдилар.

Ўзбеклар, бизга уйларининг тўридан жой беришди. Ҳаммамиз мусулмон фарзандларимиз, деб ўксик қалбларимизга малҳам беришди. Тўйларимиз, қуйларимиз, уйларимиз бир-бирини тўлдириб, уйғунлашиб кетди. Шахсан ўзимга келганда Бухоро вилояти Вобкент ноҳиясига қарашли Халач қишлоқ Шўросига қарашли Муғиён қишлоғида ўсиб улғайдим. Шу ҳудудаги ўрта мактабда ўқидим. Ўзбек тилини она тилимдай ўргандим. Ҳарбий хизмат сафларида 3 йил хизмат қилиб қайтгач, ДОСААФда ўқитувчилик қилдим. 1961 йилдан эътиборан комсомол йўлланмаси билан ички ишлар хизматига ўтдим. Бир неча йил Вобкент, Қизилтепа, Коғон, Ромитан ноҳияларида Давлат автомобиль инспекцияси ходими бўлиб ишладим. 1963 йилда мени фирқа аъзолигига қабул қилишди. Ишдан ажралмаган ҳолда ТошДДнинг ҳуқуқшунослик куллиётини сиртдан ўқиб тугатдим. Сўнг Бухоро вилояти Давлат автомобиль инспекциясига муҳим вазифага олишди. Бу ерда махсус дивизион командирлигигача кўтарилдим. Милиция майори унвонига эга бўлдим. Ҳалол ва самарали хизматларим, жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятим муносиб тақдирланди. «Фидокорона меҳнати учун», «Қўриқ ерларни ўзлаштиришдаги хизматлари учун», «Совет милицияси 50 йиллиги», уч марта «Намунали хизмати учун» медаллари, ССЖИ ҳамда Ўзбекистон ички ишлар вазирликлари Фахрий ёрлиқлари, мукофотлари соҳиби бўлдим.

Буни қарангки, тақдирнинг бирдан зил кетиши ҳеч гап эмас экан, 1983 йил 28 декабрь куни мени вилоят Давлат Хавфсизлик Қўмитасига чақириб қолишди. Белгиланган хона эшигини очсам, ССЖИ Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича тергов бўлими бошлиғи Гдлян ва яна бир нечта нотаниш одамлар ўтиришган экан. Гдлян ўрнидан туриб, мени самимий кутиб олгандай бўлди.

— Буларни танийсанми? — деди у ёнидагиларга ишора қилиб.

— Йўқ, — дедим мен уларга бирбир разм солиб.

— Булар менинг ходимларим: Иванов, Карташьян, Калинин ва Иброҳимовлар бўлишади. Биласан-а, биз Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатиш учун келганмиз. Жумладан, Бухорода ҳам.

— Кечирасизлар-ку, дедим ҳайратимни яширмасдан, — бизда Совет ҳокимияти бор, сизлар айтаётган ҳокимият қанақалигини тушунмаяпман.

— Менга қара, — деди Гдлян.— Сен Кавказда туғилгансан, тўғрими? Демак, менга «земляк» бўласан. Бу юрт сенга ҳам, менга ҳам бегона. Шунча йил ўзбеклар билан яшаб, сезмабсанда уларнинг кимлигини? Ўзбеклар бамисоли бўридай гап. Уларни едириб, ичириб, томоғига бир нарса ташлаб турмасанг, сенга қайишмайди. Сен ҳам уларнинг нафсини қондириб юргансанки, милицияда ишлаб юрибсан. Йўқса, 25 йилдан бери ДАИнинг эркаси бўлмасдинг.

— Нималар деяпсиз? — дедим унга. — Гапларингизнинг бариси туҳмат-ку. Мен ўзбеклардан ёмонлик кўрганим йўқ. Улар...

— Бас қил, — деди Гдлян столни муштлаб. — Биз яхши биламиз ўзбекларни ҳам, сенинг ҳам кимлигингни.

Бу ёвуз мени осонлик билан ўз измига сололмаслигини англаб етганди. Шу туфайли шаштидан бироз тушиб, маккорлик йўлига ўтди. У бундан 7 ой олдин вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи А. Музаффаров ҳамда шаҳар савдо бошқармаси бошлиғи Ш. Қудратовларнинг қамалганлигини таъкидлаб, Бухорода порахўрлик қалин тўр ёйганини, бу ўргимчак уясини «янчиш» учун мендай «садоқатли» ёрдамчилари зарурлигини уқтирди.

— Гапнинг индаллоси шуки, сенга иккита йўл бор. Ё, бизнинг айтганимизни қиласан, ё умринг қамоқда чирийди.

— Кечирасиз, ўртоқ прокурор, — дедим, — ҳозиргача сотқинлик қилмаганман. Бундан кейин ҳам шу йўлдан...

— Вой, нодон! — хохолаб кулди у, — келиб-келиб сендай туркнинг тўнғизига ялинаманми ҳали. Сен Гдляннинг чиғириғига тушишингни тасаввур этмаяпсан шекилли. Энди буйруқни эшит. Манави рўйхатда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал М. Норов, унинг ўринбосарлари Ш. Раҳимов, М. Тилавов, В. Мулин, вилоят ДАИсининг собиқ бошлиғи Т. Очилов, айни пайтдаги бошлиғи Остоновлар қайд этилган. Сен «Шуларнинг ҳар бирига пора берганман», деб ёзасан.

— Неча сўмдан берганман, деб ёзайин? — ўсмоқчилаб сўрадим ундан.

— Айтайлик, 5—6 минг сўмдан!

— Бунча миқдордаги пулни қайси ҳисобдан тўплаб берганман-а?

— Қариндош-уруғларимдан йиғиб бердим, бўлмаса «улар мени ишдан ҳайдашарди», деб кўрсатма берасан. Бу ёғини биз ўзимиз тўғрилаймиз. Сўнгра сенга навбатдаги подполковник унвонини олиб бериб, вазифангни ошириб қўямиз. Қарабсанки, пенсиягача маишат қилиб яшайсан.

— Ўртоқ Гдлян, прокурор дегани энг аввал, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак. Сиз бўлсангиз мени жиноятга бошлаб, одамларга туҳмат уюштираяпсиз. Мен сиз айтган бошлиқларим билан ҳеч қачон олди-берди қилмаганман. Шу пайт орқа томонимда ўтирган Карташьян қаншаримга шундай мушт туширдики, анча пайтгача ерда чўзилиб ётдим. Яна бирови қорнимга, кўкракларимга тепди. Кейин билсам устимдан сув қуйиб ҳушимга келтиришибди.

Деярли олти соат давом этган қийноқдан сўнг ташқарига гандираклаб чиқдим. Аъзои баданим моматалоқ бўлган, умримда илк марта одамни таҳқирлаш нима эканлигини бошдан ўтказиб, хўрликдан йиғлаб юбораёздим.

Уйга нотавон ҳолда келаяпману, хаёлимда разил Гдляннинг таклифлари чарх уради: Қайси йўлни танлайсан? Гдляннинг йўлинними ёки ростгўйликнними? Шунча йил ҳалол яшадинг, бировнинг луқмасига кўз олайтирганинг йўқ. Бировга қасддан заррача ёмонликни раво кўрмагансан. Бугун уларни бадном этиб, туҳмат қилсанг, худо кечирармикан сени? Агар разиллик қилсанг вақт келиб, уларнинг кўзига қандай қарайсан? Бола чақаларининг қарғишига қолмайсанми? — дедим ўзўзимга.

Мени иккинчи куни Гдляннинг ўзи кутиб олди.

— Қани келсинлар, ўртоқ майор, — деди у тағин айёрлик билан, — хўш, ёзиб келдингми айтганларимни?

— Йўқ, ёзганим йўқ, ёзмайман ҳам!

— А-ҳа, шунақами? Мулла бўлмапсан-да, демак. Шуни билиб қўйки, сендан мен олий даражадаги порахўр чиқараман. Чунки сен порахўрларнинг ҳамтовоғисан. Пора олиб, пора бергансан. Йўқса, сен туркни ўзбеклар милиция сафига олиб, фирқа сафига қабул қилишмасди.

ТАҚДИР ва ТАҲҚИР

Сўнгра у мени шундай расво сўзлар билан ҳақоратлар қилдики, буни ифодалашнинг имкони йўқ.

— Бу ҳақоратларингиз учун юқорига Москвага Марказий Қўмитага арз қиламан, — дедим чидаёлмай. У бўлса устимдан кулди.

— Вой турк тўнғизи-ей, сен қайси партияни, қайси ҳукуматни айтаяпсан? — ўрнидан туриб кетди у.— Билмасанг, билиб қўй: партия ҳам, ҳукумат ҳам ҳозир бизнинг қўлимизда. Мени «зирҳли танк» дейишади. Хоҳласам Ўзбекистонингни бор қиламан, хоҳласам янчиб ташлайман. Яна шуни унутмагилки, менинг азалдан туркларда ўчим бор. Улар 1915 йилда арманларни қирғин қилишганди. Буни ҳеч бир арман эсдан чиқармайди. Мен эса сенларни қирмайман. Фақат умрларингни қамоқхоналарда авахталарда чиритаман. Шундай йўлни танлайманки, сенлар шимол ўрмонларида аста-аста жон берасанлар. Жумладан, сен ҳам.

У бамисоли ваҳший ҳайвонга айланганди. Оғзидан нима чиқаётганини ҳам англамасди. Шу пайт хонага Иванов ва Карташьян кириб келишди.

— Тельман Хоренович, — дея сал жилмайиб, стулга чўкди Иванов, — бу ҳайвоннинг сирларини ҳали тўла билмайсиз. Унинг кўп нарсадан хабари бор. Шундай эмасми, Изватчик? Айтайлик, сен 1979 йилда Брежневнинг куёви Чурбановни Газлигача кузатиб боргансан. Шунақами? Унга вилоятқўм котиби Каримовнинг бир вайрона магазин олдида 10 минг сўм пора берганини кўргансан. Шароф Рашидов, Худойбердиевлар Бухорога келганида ҳам олдинда йўл бошловчилик қилгансан. Уларнинг ҳам пора олишганида гувоҳ бўлгансан. Хўш, булардан ҳам тонасанми?

— Барчаси ёлғон, сенлар туҳматчисанлар! — дедим тоқатим тоқ бўлиб.

— Туҳматми, ростми, барибир ёзиб берасан. Ёзмасанг, ўлигинг чиқади бу ердан, — деди Карташьян.

— Такрор айтаман: ёзмайман! Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

Мени тергов камерасидан ярим кечаси чиқариб юборишди. Бундай разилона қийноқлар ўн кунгача давом этди. Мен эса ўз сўзимда туриб олдим. Ниҳоят Гдлян: «Энди ўзингдан кўргин, — дея таъкидлади ўн биринчи куни, — менинг қўлимдан қутулиб бўпсан. Дивизионингдаги 110 та ходимингни, бутун бухоролик ўзбекларингни сенга қарши қўяман. Сендан шундай порахўр ясайинки, аҳли Бухоро қойил қолсин!»

Айрим безбет касбдошларим келиб, Гдлянни хафа қилибсиз, у билан ўйнашманг, таклифига кўнсангиз, ўзингизга яхши бўлади, дея рўйрост «далол»лик қилишарди.

Таҳқирлашлар қарийб 4 ойча давом этди. 1984 йилнинг 22 март куни эса қўлимга Жумҳурият Давлат хавфсизлик қўмитасига боришим лозимлиги хусусида чақирув қоғозини беришди. Бошимга оғир кунлар тушишини ҳис этиб, хотиним, болаларим, дўстларим билан хайрлашиб, Тошкентга йўл олдим. ДХҚнинг белгиланган хонасига кирсам, Гдлян бошлиқ 8 та терговчи ўтиришарди. Улар менга яна ўша шартни: юқорида номлари тилга олинган бошлиқларимга пора берганим ҳусусида ССЖИ Бош прокурорига ариза ёзишимни талаб қилишди. Бири қўйиб, бири тазйиқни давом эттирсада, терговчиларнинг сўзларини кескин рад этдим. Қийноқ 10 соатдан ортиқ давом этди. Сўнг, мендан бирон натижа чиқмаслигига кўзлари етгач, жумҳурият прокурорига юзлаштирмай, қамаш ҳақида телефон орқали рухсат олиб, мени камерага элтиб тиқиб қўйишди. Шу заҳоти иккита прапоршчик келиб погонларимни узиб-узиб, ахлат қутисига ташлашди. Деярли нафас олиш мушкул бўлган шу бир кишилик камерада 20 кун ётдим. Мени Гдлян группасининг аъзоси, Куйбишев шаҳар прокуратурасида бош терговчи бўлиб ишлаган Владимир Викторович Ковалёнов, баъзан эса, Қозон шаҳар прокуратураси терговчиси Токтарев, деган кишилар сўроқ қилишарди. Энди уларнинг бутун интилиши мени порахўрга чиқаришдан иборат эди. Ўз-ўзидан савол туғилиши мумкин: хўш, нега улар бу ғайриқонуний йўлни танлашди экан? Масала шундаки, агар мен қамалсам, уларнинг ҳамкорлик қилиш, агент бўлиб ёлланишим хусусидаги таклифлари фош бўлишидан қўрқишарди. Шу сабабли терговчилар Бухорода менга қарши кенг кўламда иш олиб боришган. Шофёрлик гувоҳномасини маст бўлиб олдирган ёки йўқотган кишилардан «Иззатовга 150—200 сўмдан пора бериш йўли билан ҳужжатларимизни қайтариб олганмиз» қабилда кўрсатмалар тўплашган. Бундайлар сони 45 тани ташкил этган Дивизионимиздаги баъзи йигитларни эса қамаш ва ишдан ҳайдаш билан қўрқитиб, улардан ҳам менинг «порахўрлигим»ни тасдиқлайдиган аризалар ёздириб олишган. Гдлян томонидан менинг ҳуқуқимни ҳимоя қилиш учун ажратилган адвокат Борис Богдасаров (кейинчалик билсам, бу келгинди ҳам Гдляннинг жияни экан)нинг сотқинлиги туфайли бу хатолари «ислоҳ» этилган, яъни ўн кишининг «гувоҳлиги» суд делосидан олиб ташланган.

Мени эса, кўз кўрмаган даҳшатли азоблар, жонни оладиган сўроқлар билан 3-камерада қийнарди. Олдимга тез-тез ашаддий каллакесарлар, қонхўр ўғрилар, баъзан эса прокуратуранинг пихини ёрган ходимларини киритишар, хуллас, бу кимсалар «пора олганим» ва «пора берганим» хусусида «иқрорнома» ёзиб беришга даъват этишарди.

Орадан қарийб 7 ой ўтгач, яъни 1985 йилнинг январида Тошкент вилоят судининг аъзоси Н. С. Артёмов бошчилигида суд жараёни бошланди. (Қонун бўйича бу суд Бухорода ўтиши лозим эди). Ғирромликни қарангки, суд залига менинг бирор қариндошим-оила аъзоларим ёки холис кишилардан бирор киши ҳам қўйилмади. Судни москвалик терговчилар ДХҚнинг «нуфузли» ходимларининг ўзлари ўтказишди, холос. Судга «гувоҳларнинг» кўплари чақирилмади. Қўрқитув остида сохта маълумот беришга мажбур бўлганларнинг фош қилувчи сўзлари эса, инобатга олинмади. Шундай қилиб менга Ўзбекистон ССЖ ЖК 152-моддаси 2-қисмини қўллаб, кучайтирилган режимда 13 йилга қамоқ жазосига ҳукм этишди.

Мен олий маълумотли ҳуқуқшуносман. Бизнинг тилимизда «заказной дело» деган гап бор. Яъни бировни қасддан қамаш лозим бўлса, шунақа махсус «жиноят делоси» ташкил этилади. Бу айниқса 1937—38 йилларда оммавийлик касб этган. Гдлян ва Ивановлар ҳам менга ва яна мингминглаб бегуноҳ кишиларга худди ана шундай усулни қўллашгани эндиликда сир эмас. Улар ҳақиқий одамхўр, ваҳший кишилар эди. Бу сўзни эндиликда баралла айтаман. Бунга ҳаққим бор. Улар Олмаотадаги қамоқхонага кўчирилганимдан сўнг ҳам мени тинч қўйишмади. Чунки, тинмай, нуфузли ташкилотларга норозилик мактублари жўнатавердим. Бир куни сирлари фош бўлишидан қўрқишарди-да. Тез орада мени Москвадаги «Матроска — тишина», ундан кейин Нижний Тагилдаги қамоқхонага кўчириб юборишди. Умуман, олти ярим йил давомида 18 та турманинг азоб-уқубатларини кўрдим.

Хайриятки, одамзодда ақлу фаросат бор, ғурур бор. У умид билан яшайди. Йўқса, Гдляну Ивановлар қўлидан соғ қутулиш осон иш эмас. Ахир қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг хунига зомин бўлишди улар. Ўзини осган ким, томирини кесган ким, очликдан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқлардан қалблари дарз кетганларнинг сон-саноғи бормикан? Гдлян шу даражада қутурган кимса эдики, у қармоғига илинганларнинг авлод-аждодларигача таҳқирлашни жуда хуш кўрарди.

Мен ҳибсга олиниб, дастлабки тергов ўтказилаётган пайтдан бошлаб ССЖИ ҳамда жумҳуриятимиз бош прокурорларига такрор-такрор норозилик хатлари жўнатардим. Аммо, бу хатларимнинг барчаси Гдлян ва Ивановлар қўлига келиб тушаркан. Табиийки, улар мактубларимни ими-жимида йўқотиб юборишарди. Ҳукм эълон қилингандан сўнг ҳам шикоят ёзишдан тўхтамадим. Умуман, олти ярим йил ичида рўзнома, ойнома, нуфузли ташкилот бошлиқларига 300 мартадан кўпроқ мурожаат этдим. Бироқ, мени ҳеч кимса тингламасди. Чунки, «зирҳли танк» — Гдлян ва Ивановлар ҳамон катта «отахон»лари ССЖИ Бош прокурори Рекунковнинг пушти-паноҳи остида от суриб юрардилар.

Мен шу йилнинг бошларида барча ноҳақликларни қоғозга битиб, катта умидлар билан ССЖИ халқ депутатлари — муҳтарам Эркин Юсупов Аҳмаджон Мухторов, Владимир Тўйчиевич, Нижний-Тагиллик Вениамин Александрович Яринларга жўнатдим. Уларнинг фаол ҳаракати, ҳақгўйлиги туфайли ҳақ жойида қарор топди. Гўё дунёга қайта келгандай бўлдим. Халқ нойибларининг қатъий талаблари туфайли, ССЖИ Бош прокуратурасида «жиноий ишим» қайта ўрганилиб, «Иззатовнинг фаолиятида мутлақо жиноий ҳаракат йўқ. Гдлян ва Ивановлар унга нисбатан қасддан бўҳтон уюштиришган» деган қарорга келишиб, жамики ҳужжатларим жумҳуриятимизга жўнатиб юборилибди. Бу ҳақда Бош прокурор Сухаревнинг шахсан ўзи менга мактуб йўллади. Ўзбекистон ССЖ Олий судининг Х. Полвонзода бошлиқ ҳайъати эса, 1990 йил 3 августда мени тамомила оқлаш тўғрисида ажрим чиқаришди.

Мен 15 сентябрь куни яна Бухоромга — оилам бағрига қайтиб келдим. Бунинг учун сизлардан тоабад миннатдорман!

Энди Сизларнинг эътиборингизни бошқа масалага қаратмоқчиман, мен-ку буткул оқландим. Марказдан келган терговчи ниқобидаги жаллодларнинг туҳмат чиғириқлари чирик эканлиги ҳам равшан гап. Бироқ, улар разил қилмишлари учун қачон жавоб беришади? Айтайлик, мен олти ярим йил, ёки 2373 кун давомида инсоний ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб, қийноқлар остида яшадим. Соғлиғимни йўқотдим. Унвонимдан, фирқа билетимдан ажралдим. Оилам, бола-чақаларим чексиз изтироб чекишди. Жумҳуриятимизда эса, менга ўхшаганлар қанчадан-қанча. Энг аянчлиси шундаки, Гдлян, Иванов ва уларнинг ҳамтовоқлари Гайданов, Дидоренко, Бутурлин каби «Ўзбекистонда тартиб ўрнатамиз» деб келишган, аслида эса, 37-йиллардагидек қатағон уюштиришган фитначи, қотиллар билан яқин алоқада бўлишган. Фарғона, Қўқон, Қува ҳамда Ўш шаҳарларидаги бир-одаркушликда ҳам буларнинг қонли қўллари бор. Ахир Гдляннинг ўзи менга «туркларни, ўзбекларни кўрарга кўзим йўқ, Уларни рўй-рост ўлдирмайман, балки умрларини турмаларда чиритаман. Чунки сенларнинг каттанг ҳам, кичигинг ҳам порахўр» дея айтгани кечагидай эсимда. Ваҳоланки, Гдляннинг ўзи дастлабки учрашувимизда «энг аввало, менга, 10 минг сўм келтириб берасан, кейин бизга агент бўласан» дегани ҳам чин гап. Тўғриси, Гдлянни минглаб бегуноҳ юртдошларимиздан ёвузлик билан қўлга киритган ва ўз жиғилдонига урган текин пуллар, бойликлар қутуртириб юборган.

Менимча, уларни жумҳуриятимизга олиб келиб қора курсига ўтказиш керак. Бунга, Эркин Юсупов, Аҳмаджон Мухторов, Владимир Тўйчиевич Одилов сингари виждони пок, ҳақиқат ҳимоячиларинингина кучлари етади. Чунки, улар халқимизнинг юраги, жони, халоскор ўғлонларидирлар. Шундай қилинса, минг-минглаб тақдирларни таҳқирлаган бу кимсаларнинг аянчли башаралари тамомила очилади. Адолат, ҳақиқатнинг ҳам ҳукми шу: кимки Инсон шаъни, ғурури, ҳақ-ҳуқуқини поймол этса, у тарих олдида абадул-абад бадном бўлажак!

Сизларга камоли эҳтиром ила:

Видодил ИЗЗАТОВ.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

ТЕМИР НИҚОБ

1969 йилнинг 22 январь куни фазогирларни кутиб олиш пайтида Кремлнинг Боровицкий дарвозаси олдида оломонни қуршаб турганлар орасидан чиққан милиционер кийимидаги Шўро Армиясининг кичик лейтенанти Виктор Ильин ёнидан иккита тўппонча олиб автомашиналар карвонида иккинчи бўлиб келаётган «Чайка»нинг олдинги ойнасига қараб ота бошлади. Кузатиб келаётган мотоциклчилардан бири туртиб йиқитмагунча ва устига бақувват йигитлар ташлантмагунча у ўн олти марта ўқ узиб, икки ўқдонни бўшатишга улгурганди.

Ўқ ўтмайдиган деб таърифланган ойнадан ўқ ўтар экан. «Чайка»нинг ҳайдовчиси ўлдирилди (у касалхонада вафот этди), унда ўтирган фазогирлар Береговой ва Николаевлар енгил яраланишди, суиқасд қилганни туртиб кетган мотоциклчи ҳам ярадор бўлди.

Бу фожиавий англашилмовчилик эди. Ўн олти ўқдан бирортаси ҳам жабр кўрганларга аталмаганди. Саройда ўрнатилган тартибга биноан иккинчи машинада Бош котиб юриши керак эди. Ильин ҳам уни мўлжалга олганди. Бироқ ўша куни Бош котиб бу машинада эмасди. Ҳар нарсадан хабардор ДХҚнинг қўли кўнгилсизлик бўлишини сезиб, иккинчи машинани бошқа томонга буриб юборганди ва Бош котиб Кремлга Спасск дарвозаси орқали кирганди.

Албатта, суиқасднинг асосий мақсади Брежневни ўлдириш эканлиги ҳақида ҳеч қаерда расман хабар берилмади. Аммо бу айнан шундай эканлиги тўғрисидаги хабар мамлакат бўйлаб тарқалди. Бироқ мазкур воқеа тўғрисида қисқа вақт ва пичирлаб гапиришди холос. Бундай нарсалар тўғрисида гапириш яна хавфли бўлиб қолганди. Гапиришди-ю, унутишди.

Яқинда эса яна эслаб қолишди. Ойнаи жаҳон орқали Ильин ҳақида лавҳа кўрсатишди. Ленинградда чиқадиган (Ломоносов шаҳрида нашр этилади) «Балтийский луч» рўзномаси, сўнгра Москвада чиқадиган «Смена» ойномасида Е. Захаровнинг «Суиқасд» номли мақоласи чоп этилди. Унда воқеа қандай бўлганлиги, Ильиннинг ким эканлиги ҳақида ҳикоя қилинганди. Мақола деярли бутунлай муаллифнинг ушбу воқеага алоқадор кишилар билан мусоҳабасидан иборат эди. Лўнда қилиб айтганда мақоланинг асосий ғояси: Ильин касал одам.

Умуман олганда бу биз учун янгилик эмас. Террорчининг руҳий касал эканлиги хусусида ўз вақтида расман хабар берилганди, бироқ «Смена»да касалликни исботлашга интилиб қизиқ далиллар келтирилган.

«—Албатта эси пастда, — дейди бир вақтлар сиёсий ишлар бўйича ўринбосар бўлган Алексей Васильевич Мельник. — Калласи бор одам ўша пайтда сиёсий машғулотларда: нима учун биз 1968 йилда Чехословакияни босиб олганмиз, деб сўрайдими? Биз унга чехословак экстремистлари тимсолида империализм бўғзига найза санчдик, деб тушунтирамиз. У бўлса кейинги машғулотда комсомолнинг ташкилот сифатида умри тугади, дейди ёки нима учун бизда битта фирқанинг яккахокимлиги ҳақида сўз юритади...».

Нима қилсам Алексей Васильевичнинг ишончига шерик бўлишим мумкин. Йўқ, сира иложи йўқ экан. Чехословакия тўғрисида ҳам, фирқа, комсомол тўғрисида ҳам ҳамма гап айтиб бўлинди. Яна ҳаммаси Ильин — (фақат у эмас ахир!) айтган руҳда, тағин нечанчи йилда денг!

Балки ҳар ҳолда вақтга тузатиш киритиш зарурдир? Ахир ҳақиқатан ҳам ўшанда соғлом одам сиёсий машғулотларда бундай саволлар беролмасди-ку?! Мазкур фикрга қўшилмай илож йўқ: у пайтда кўпчилик фуқаролар бундай саволлар беришмасди. Аммо бу уларнинг Ильиндан кўра ақллироқ эканлигидан далолат берармикин?

Шуниси қизиқки, собиқ сиёсий ўринбосар юқорида келтирилган парчани кутилмаган хулоса билан якунлайди: «Йўқ, аниқки у кимнингдир номидан гапирарди».

Иккисидан бири: унинг «етишмаслигига» ёки кимнингдир таъсирига учраганига шаъма қил. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармайлик: ўша пайтда Ильинга ўхшаганларга ўйламай-нетмай бир томондан телба, иккинчи томондан эса кимнингдир таъсирига учраган деб ёрлиқ ёпиштиришарди.

Ильиннинг ўгай онаси Александра Васильевнанинг гапларидан ҳам устамонлик билан фойдаланишган:

— «У ғалати, мураккаб феълли бола эди... Бир марта Подольскдан акам келганида, у ҳам ҳарбий эди, узоқ вақт нима ҳақдадир қизғин тортишишди. Мен фақат акамнинг столга муштлаб қичқирганини эшитгандим: «Тентак! Энг содда, гўл аскарни ҳам ишонтириш мумкин, сени эса йўқ!» Улар нима ҳақда гаплашишганини билмайман, аммо акам жуда норози эди».

Чехословакия фирқа яккахокимлиги ва ҳеч кимга керак бўлмаган комсомол ҳақида ўйлаб юрган 22 ёшли кичик лейтенант ва унинг ёши, афтидан унвони ҳам катта бўлган қариндоши ўртасида қандай баҳс борганлигини тушуниш қийин эмас. Авлодлар ўртасидаги бундай тортишувлар кўпчиликка таниш манзара. Аммо бу ҳам Ильиннинг ғалатилиги сифатида берилади: энг гўл аскарни ҳам ишонтириш мумкин, уни эса йўқ. Хўш, ўзи нимага ишонтириш керак? Чехословакиянинг босиб олиниши жаҳон империализми бўғзидаги найза эканлигигами?

Бироқ бу ҳозирча руҳиятдан йироқ бўлган кишиларнинг, оддий фуқароларнинг фикри. Биласизку, бизда қандай мушоҳада қилишларини: одатдагидан бошқачароқ гапирдими ёки бирор бир иш қилдими тамом: жинни! Даволовчи шифокор М. Васильевнинг фикри эса қуйидагича:

«Ўзингиз ўйлаб кўринг: кўнглида ҳеч бир гап бўлмаган одам тўсатдан ўзини жамиятни остин-устун қилувчи етакчи, номим тарихда қолади деган аниқ хулосага келади. Гарчи бугунги кунда коммунистик бўлмаган фирқа тузиш (Ильин айнан шундай қилмоқчи эди — О. М.) жиннининг хом хаёли бўлиб туюлмаса ҳам. Аммо, 20 йил муқаддам бутунлай бошқача вазият эди».

Яна ўша фикр: ҳозир хом хаёл эмас, ўшанда эса хом хаёл эди.

Хўш, янги фирқа тузиш учун кўнгилда нима гап бўлиши керак? Травкиндаги сингари халқ ноиби шаҳодатномасими ёки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юлдузими? Бир вақтлар Қозон дорилфунунидан ҳайдалган талабада на шаҳодатнома, на юлдуз бор эди. Шундай бўлса-да, янги фирқа тузишга жазм этди. Кейинроқ кимнинг ким эканлигини, кўнглида нима борлигини билишимиз мумкин. Бошида эса балки чақалоқлигидагига нисбатан сал кўпроқ бўлиши мумкин.

Шифокорнинг фикрини ўқишда давом этамиз: «...Ҳатто жамиятдан ажратилиб, даволанаётган пайтда ҳам унда ислоҳотчиликка, ҳаракат қилишга иштиёқ кучли эди.

(Давоми 4-бетда).



Жомбой ноҳияси марказидаги «Наврўз» болалар боғчасида 200 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.

— Боғчамизда жажжиларнинг дам олишлари, қувнаб яйрашлари ҳамда уйин-ўсишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд, — дейди болалар боғчаси мудираси Собира Бурхонова.

Мудиранинг гапларидан қувонасиз. Қанийди жумҳуриятимиз чекка қишлоқларидаги, хўжаликларидаги мактабгача тарбия масканлари ҳам шундай қулайликларга эга бўлса!.. Ушбу суратга нигоҳи тушган мутасадди раҳбарлар бу ҳақда ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

СУРАТДА: «Наврўз» болалар боғчаси тарбиячиси Ҳолида Саидова кичик гуруҳ болалари билан машғулот ўтаётир.

Суратчи Ғ. АЛИЕВ.

ТЕМИР НИҚОБ

(Боши 3-бетда).

Бироқ ғайрати бошқа томонга оғиб кетганди. Мисол учун Ильин «дам олаётганида» соч ўстирувчи нарсани ихтиро қилди... «Брежнев конституцияси» лойиҳаси муҳокама қилинаётганда эса у Олий Кенгашга ўз таклифларини жўнатмоқчи бўлган».

Кўраяпсизми, одамни қанча яккалаб қўйманг, ундаги ислоҳотчиликка бўлган интилиш барибир сўнмайди. Хўш, «жинни» эмасми? Албатта, ИИВнинг махсус руҳий касаллар шифохонасида (Ильинга ўхшаганлар учун эса ДХҚнинг) нокоммунистик фирқа тўғрисида бош қотиришингга кўпам имкон бўлавермайди, бутун куч-ғайратингни соч ўстирувчи восита тайёрлашга сарфлайсан.

Таҳририятда ишлаган йилларим юзлаб кашфиётчилар ва ихтирочилар, шу жумладан абадий двигател ихтирочилари, эҳтимоллик назариясини инкор этганлар билан ҳамсуҳбат бўлганман. Улар орасида руҳий хаста бўлганлар ҳам бордир балки. Бироқ ҳеч қачон мен ихтирочилик — касаллик белгиси деб ўйламагандим. Ҳатто руҳий шифокорлардан ҳам бунақа гап эшитмагандим.

Ленинград руҳий касаллар шифохонасининг бош шифокори Владимир Гергардович Агишев хориждан ё Франкфурт ёки Дюсселдорфдан келган хатни кўз олдимда очади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи аллақандай жамият руҳий таъқиблар қурбони бўлган Виктор Ильинни дарҳол озод қилишни талаб этади. Агишев эса «Мана, биз энди таъқибчилар ҳам бўлдик» дейди кулимсираб. Франкфурт ёки Дюсселдорфда бу ерда нима, қандай эканлигини қаёқдан билишаркин?

Ильин Боровицкий дарвозаси олдидан тўғри Лефортовага (Кремлда ҳали фазогирларни шарафлаш давом этарди, мукофотларни Подгорний топшираётганди) тушди. Тергов бир неча ой давом этди. Кейин руҳиятчилар гувоҳлик беришди. Умуман олганда иш бир йил кўрилди. 1970 йил май байрамларидан сўнг Ильинни Қозонга олиб келишди. Ильиннинг сўзларига қараганда қаёққа, нима учун олиб кетишаётганини, тақдири қандай бўлишини билмаган. Қозонга келгачгина унга мажбурий даволаниш белгиланганини айтишган. Маҳаллий махсус руҳий касаллар шифохонасида эни бир метр-у 20 сантиметр, бўйи 4 метр бўлган хонага қўйишди. Хонада — кроват ва стол. Эшик ортида соқчи. Оператив алоқа телефони. Сигнализация пульти. Бу ер сира касалхона хонасига ўхшамасди. Тартиб қаттиқ эди, ҳеч ким билан гаплашишга қўйишмасди, қариндошлар билан учрашишга ҳам. Ўгай онасидан бошқа ҳеч кими ҳам йўқ эди. Шу ерда ишловчилар учун ҳам кириш рухсатнома орқали эди.

Тўғри, орадан уч йил ўтгач радиокарнай ўрнатиб беришди. Эшитмаса ҳам ҳар ҳолда суҳбатдош-да. Рўзнома ўқишга рухсат тегди.

1988 йилнинг августида, онасининг кўпдан кўп илтимосларидан кейингина уни Ленинградга, оддий руҳий касаллар шифохонасига ўтказишди. Кўп кишилик бўлимга, олти одам ётадиган хонага. Ёлғиз ўзи ўтказган абадиятдан сўнг унинг учун кўпчиликка кўникиш қийин эди.

Қисқаси Ильин бир кишилик хона — камерада ўн саккиз йилдан кўп ётди. Бу шўроча замонавий темир ниқоб эди.

Ҳа, у одам ўлдирди. Телба деб топишмаганида олий жазо олиши ҳам мумкин эди. Бироқ бу қарийб ўн тўққиз йил давомида яккалаб қўйишга асос бўлармикин? Қайси даволаш услубида ёки жиноят мажмуасида бу кўзда тутилган.

Яккалаб қўйиш Ильинга яхши таъсир этганмиш. Шундай дейлик. Бироқ ҳатто расмий хулоса бўйича ҳам беморнинг аҳволи 1973 йилдан яхшилана бошланган. Шундай экан уни яна 15 йил ушлаб туришнинг нима кераги бор эди?

Буни тушуниш қийин эмас: бу ҳақдаги қарорни шифокорлар эмас ДХҚдаги амалдорлар қабул қилишган. Бошқача қилиб айтганда касалхонада сақлаш номигагина даволаш ,бўлиб, аслида мақсад Ильинни қилган гуноҳи учун жазолаш эди. (Лекин менимча унинг тақдирини ҳал қилганлар Ильиннинг касаллигига ўзлари ҳам ишонишмаган бўлишса керак).

Агар онаси зўр бериб ҳаракат қилмаганида ким билсин уни яна қанча ушлаб турган бўлишарди. Балки ўлимини кутган бўлишармиди...

Ўша амалдорларнинг иродаси билан Ильин охирги дақиқагача ҳеч қандай ижтимоий мақомга эга эмасди. У армиядан ҳайдалмасдан, офицерлигича қолганди, бироқ табиийки ҳеч қандай маош ҳам олмаган (афтидан у ҳозир Язовдан ҳаммасини ундириб олиши мумкин). Ногиронлигини тасдиқлатиш, нафақа олиши учун ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмаган. Умуман у бир тийин ҳам олмаган. Ҳатто паспорти ҳам йўқ эди. Бир қарашда одам бордай, айни пайтда йўқ ҳам. Дарҳақиқат «темир ниқоб».

Қизиқ, Андропов Ильиндан «маънавий зарар кўрган» одам (ўзингиз ўйлаб кўринг — бир эмас икки тўппончадан содиқ ленинчига, нақ «давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони»га ўқ узса-я!) билан маслаҳатлашганмикин? Ёки бош котибга вақти-вақти билан «тўполончи» ва уни даволаш стратегияси тўғрисида умумий маълумотлар бериб қолган масалаларни якка ўзи ҳал этганмикин?..

Ленинграддаги касалхонада Ильинга эътибор билан қарашди. Амаллаб паспортини, нафақасини тўғрилашди. Агишевнинг елиб югуришлари билан Олий суднинг ҳарбий коллегияси мажбурий даволашни бекор қилди. Шу йилнинг февралидан бери у нисбатан эркин. Касалхонага фақат тунагани келади. Қолган пайтда худо билсин қаерларда юради. 26 сентябрда, мен касалхонага борган куним шаҳар ижроқўмига квартира ордерини олиш учун кетишга шайланиб турган экан.

Ленинградлик шифокорлар Ильиннинг аҳволи яхшиланиб бораётган бўлса-да, унинг хасталигига шубҳа қилишмайди. Мен улар билан баҳслашмоқчи эмасман, аммо айрим мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Ишончим комилки, 1969 йилда Ильин ўрнида мутлақо соғлом бошқа одам бўлганида уни ҳам руҳий хаста деб топишган бўлишарди. Унинг тўғрисида тўғри, ҳақиқатга мос ҳукмни чиқариш давлатда аллақандай норозилар, салкам қуролланган оппозициячилар бор эканлигини тан олиш билан баробар эди. «Нималар деяпсиз, шундай эркин нафас оладиган, севикли пролетар доҳийлари суратлари (бир комплекти — 80 тийин!) қаршисида бахтиёрликдан меҳнаткашларнинг юраги ёрилай деб турган мамлакатда мана сенга деб томдан тараша тушгандай доҳийларнинг доҳийсига отишса-я! У ёқда биз ҳақимизда нима деб ўйлашлари мумкин? Бизда кимгадир нимадир: ё эркинлик ёки бахт етишмаяпти дейишлари мумкинку?! Йўқ, нима десангиз денг, лекин беш юлдузли (ўша пайтда унда олтин юлдузлари , нечта эди?) Бош котибга фақат ҳалигидақа... овсаргина отиши мумкин».

Туппа-тузук одамни овсарга чиқариб қўйишнинг ажойиб усулини ўйлаб топишганди: Снежнёвский ва унинг тўдаси дуч келганига, айниқса диссидентларга «аста секин ўсиб борувчи овсарлик» деган диагноз қўйишарди. Овсарлик овсарликда, аста-секин бўлсада ўсиб боради. Бугун Сиз фирқанинг барча тарихий қарорларини қўллаб-қувватлаяпсиз, демак ҳозирча рисоладагидек фуқаросиз, эртага бирор бир шиор билан Қизил майдонга чиқсангиз, демак овсарлигингиз ўсиб кетган. Ильинга ҳам ўша тўда томонидан худди шу диагноз қўйилганди.

Ильиннинг касаллиги нима учун 1969, воқеа юз берган йилдан эмас, 1966 йилдан бошланган деб ҳисобланади дея сўрайман. «Уни билганларнинг айтишларича айнан ўша йилда Ильинда турли ғояларга, фалсафага қизиқиш пайдо бўлган»... Ана холос, энди фалсафа, ғоялар ҳам овсарлик белгисига чиқди. Яна шубҳа туғилади: афтидан ўқ отилган пайтдан бошланган дейиш ноқулай бўлган ва уч йил орқага суришган. Бу билан гўё касаллик тарихи чуқур ўрганилди дейишмоқчи бўлишган. Тўғри Ильинда бир марта оғиш бўлганлигини айтишди. Аммо салкам йигирма йил жиннихонада ёлғиз ўзини сақлашгандан сўнг бу таъсирсиз қолармикан? Касаллик тарихини эса ленинградлик шифокорлар шу пайтгача кўришмаган. Ильиннинг айтишича муолажада омади келибди, уни бошқалар сингари электр қуввати ёрдамида даволашмаган.

Агишев мендан Ильин билан ўша воқеа тўғрисида гаплашмасликни илтимос қилди. Шу боис В. Шумскийнинг «Вечерний Ленинград» рўзномасида ,босилган мусоҳабасидан парча келтираман:

«**В. Ш.** Орадан йигирма йил ўтгач, Брежневнинг аслида ким бўлганлигини ва давлатимизга қанча зарар келтирганини ҳамма билгандан сўнг сиз ўзингизни қаҳрамон деб ҳисоблаяпсизми?

В. И. Йўқ, албатта.

В. Ш. Қилган ишингиздан пушаймонда эмасмисиз?

В. И. Саволингиз ошкоралик талаб қилади. Баъзи бир нарсалардан афсусланаман, баъзиларидан пушаймонман. Буларнинг ҳаммаси бир қарашда кўринганидай оддий эмас. Қилган ишинг учун фақат ўзинг жавоб берсанг бошқа, аммо сендан ташқари бу ишга алоқаси бўлмаган ўзга кишилар ҳам жабр кўрса, бу бутунлай бошқа. Мен содир этган оғир жиноят оғир оқибатларга олиб келди.

В. Ш. Сиз жиноят қилганман деб ўйлайсизми?

В. И. Қонун қай даражада бузилишидан қатъи назар у жиноятдир. Мен отган ўқлардан одам ўлди. Унинг болалари етим қолишди. Уларнинг кўзига қарашим осон бўлади, деб ўйлайсизми? Нима бўлганда ҳам одам ўлди, тағин хизмат вазифасини бажараётганда. Ёки мен билан хизмат қилган дўстларим — Саша Степанов ва Толя Васильевлар (икки кичик лейтенант чақимчилик қилмаганлиги учун беш йилдан колонияга ҳукм қилинган — О. М.) ҳеч бир айби бўлмаган ҳолда жабр кўришди. Ким билсин ҳозир улар қаерда, тақдирлари нима бўлди? Биздаги «гўшт майдалагич» (ёки «чопқи») қандай ишлаганини ва ишлаётганини мендан яхшироқ биласиз.

В. Ш. 1990 йил 1969 йилдан фарқ қилади. Шу муносабат билан сўрамоқчи эдим: мамлакат ва шаҳарнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш ниятингиз борми?

В. И. Йўқ, ҳозирча бунинг сира иложи йўқ. Таассуфки мен анчагина танбал бўлиб қолдим. Бир икки йил давомида ҳаётга бошқатдан киришишим керак. Бироқ бу мен ўзимнинг олдинги сиёсий қарашларимдан воз кечдим дегани эмас. Гарчи айнан ҳозир рўзнома ўқишни, ойнаи жаҳонни кўришни, радио эшитишни йиғиштирган бўлсам ҳам. Доимо табиат қўйнида бўлгим келади. Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар менсиз ҳам бир кунларини кўрадилар, деб ўйлайман».

Ана шу жавоблардан унинг соғлиғи қай даражада эканлиги тўғрисида ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

Якка тартибда амалга оширилган сиёсий террор бизда доимо қораланган. Аммо аллақандай хайрихоҳлик ва маълум маънода ҳатто маъқуллаш билан. Яъни, Ульянов, Каракозов, Перовская, Засулич, Фигнер, Желябов, Михайловлар ёмон болалар эмасди, бироқ баъзи бир нарсаларни тушунишмасди, марксча фикрлаш чўққисини эгаллашмаганди. «Бошқа йўлдан» (энди бизга маълумки, мазкур «бошқа йўл» битта ёки иккита эмас, орқа миясини ўқ тешиб ўтган миллионларнинг калла суяклари экан) бориш кераклигини билишмасди. Ёмон болалар эмасди, подшо малайларини ёмон кўришарди, лекин бундай қилиш керак эмасди...

Ҳақиқатда эса агар террорчилик қораланадиган бўлса, у самарасизлиги учун эмас, балки инсон табиатига зид бўлганлиги, ваҳшийлик бўлганлиги учун қораланиши лозим.

Лекин ҳаёт жуда мураккаб, қани ўзингиз айтингчи, маданиятли одамларнинг қанчаси Гитлер ёки ҳозирги Саддам Ҳусайнга суиқасд қилганларни қоралай оларкин? Ва Сталин ҳамда Берия билан доимо бирга бўлган, уларнинг кимлигини билган, ёнида қурол олиб юрган ва уни ишга солмаганларга нисбатан «қўрқоқ!» деган сўзни ишлатишга ҳар дақиқа тайёр эмасмисиз?

Брежнев албатта одам суякларидан ўзига «бошқа йўл» очган ўтмишдошларидан фарқ қиларди. Аммо у бошқарган тузум ўша эди.

Мен Ильинни баъзи бир нарсаларни тушунмаган инқилобчилар билан бир қаторга қўя олмайман. Лекин бу 1969 йилдаги вазият 1881-1887 йиллардагидан кескин фарқ қилгани учун эмас. Сабаби бошқа. Авваламбор ҳақиқатан ҳам Ильин бу ишни касаллиги учун қилганми ёки йўқми аниқ эмас. Иккинчидан яқин-яқингача бизда айрим одамларнигина эмас, балки бутун жамиятимизни қаршилик кўрсатишга қодир эмас деб камситишга уринишарди.

О. МОРОЗ.

(Мақола «Литературная газета»нинг 1990 йил 17 октябрь сонидан айрим қисқартиришлар билан кўчириб босилди).

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ОНА ДУОСИНИ ОЛГАН САНЪАТКОР



Яқинда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг номлари эълон қилинди. Улар ичида Элмурод Исломов ҳам бор. Элмуродни ўқувчиларга алоҳида таништириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Кўпчилик уни танийди, ижодини ҳурмат қилади. Қолаверса, у 1987 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлган. 1978 йил эса Бутунжаҳон ёшларининг Гаванада бўлиб ўтган фестивалида уч ака-ука лауреат бўлиб қайтган. Яна шуни ҳам биламанки, жумҳуриятимизда бирор бир катта тантана йўқки, у қатнашмаган бўлсин. Қатнашганда ҳам доимо алоҳида номер билан чиққан. Ҳатто КПСС XXVII съезди қатнашчилари учун Съездлар саройида берилган катта концертда ҳам Ўзбекистон номидан вакил бўлган.

Шу маънода унинг комсомол мукофотини олишида ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Шундай бўлса-да...

— Элмурод, зукко ўқувчилар назаридан ҳеч нарса қочиб қутилмайди. Демоқчиманки, бундан 3-4 ой бурун комсомол мукофотига номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинганда сизнинг номингиз йўқ эди. Лауреатлар рўйхати эълон қилинганда эса, унда сиз ҳам бор экансиз. Сизнинг бу унвонга шубҳасиз лойиқлигингизни тан олган ҳолда, барибир нега бундай бўлганини сўрамоқчийдим...

— Тушундим. Аввало шуни айтмоқчи эдимки, мен В. И. Ленин номидаги Пионерлар саройида доирачилар тўгарагига раҳбарлик қиламан. Сарой ҳам комсомолга тааллуқли. Умуман кейинги 10-15 йил ичида комсомолнинг нимаики тадбири бўлса барида қатнашганман. Шунинг учун номзодликка ҳужжат топшириш учун маънавий ҳаққим бор деб ўйлайман. Қолаверса, биз уч ака-укани 1978 йилдан бери тавсия қилишади. Бир гал ёш деб қайтаришади, бир гал жаҳон фестивалининг лауреати деб қайтаришади. Бундан икки йил бурун эса «Ўтган йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олди-ку» дея яна беришмади. Хайрият ўшанда акаларимга лоақал бу ном насиб қилди.

Шундан кейин кўнглим совиб қолди. Бундай мукофотни умуман унутмоқчи бўлиб юргандим, бу йил «сизнинг номзодингизни Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотига тавсия қилмоқчимиз» дейишди. Сўнг ҳужжатларни яна топширдим. Яқинда эса бу соҳа бўйича Москва бу йил мукофот бермас экан деб, Ўзбекистон Ленин комсомоли унвонини беришди. Мана бор гап. Шунинг учун номзодлар рўйхатида йўқ эдим...

— Нима бўлганда ҳам лауреат бўлдингиз-ку?

— Шундайликка шундай-ку-я, лекин ҳамма нарса ўз вақтида бўлса, иссиғида қилинса қандай яхши. Кишининг руҳини туширмай, керагида қўллаб-қувватланса, бундан фақат фойда кўриш мумкин. Мана яқинда «Табриклаймиз, лауреат бўлдинг» дейишганда тўғриси жуда қаттиқ таъсирланганим йўқ. Агар 1978 йил ёки 80 йил шу иш бўлганда бу мен учун ҳақиқий байрам бўларди.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозирми? Ҳозир... тўғриси шунча сарсон қилишгани учун албатта оламан деб қўювдим, фақат шунинг учун ҳаракат қилдим. Аламзада кўнгилга таскин бўлсин учун, холос.

— Тушунарли. Бу масала ҳал бўлди. Энди ўзингиз ҳақингизда, ижодингиз ҳақида гаплашсак...

— Биз Ишчилар шаҳарчасида турардик. Оиламизда санъаткор бўлмаган. Лекин маҳалламизда Анвар ака, Ғофир ака, Тоҳир ака, Маҳмуд ака деган 30 га яқин катта доирачилар бўларди. Дилмурод акам шуларга эргашиб, доирачилик сирларини ўргана бошлади. Уйда телевизор кўриб ётсам баъзан кўчадан кириб «Элмурод тур, ука, кўчада Маҳмуд ака ёки Ғофир ака турибди. Доирасини уйигача олиб, ёрдам бериб юбор» деб қоларди. Тўғриси энсам қотарди. «Э, э-ака, йўқ экан, деб қўяверинг, кўриб ўтирибдими» дердим.

— У кўрмаса, худо кўриб турибди. Ундан қайтмаса худодан қайтади, — дердилар. Шундай қилиб уларнинг доирасини кўтариб катта бўлганман. Қаранг, қайтаркан. Ҳозир ёш доирачилар атрофимда гирди-капалак. Охирги марта қачон доирани ғилофга солиб ўзим кўтариб юрганимни билмайман. Яна «Элмурод жа-а одамни менсимайдиган бўлиб кетибди» деб ўйламанг. Фақат шогирдларим жуда қаттиқ ҳурмат қилишади. Шуни айтмоқчиман.

— Гап ўзи келиб қолди, гап келганда отангни ҳам аяма дейишади... шу санъаткор халқидаги одамгарчилик, меҳр-оқибат ҳақида ўйлаб юраман. Назаримда бир санъаткорнинг муваффақиятидан қувонган иккинчи бир санъаткорни топиш маҳолроқ...

— Гапингизда жон бор. Чиндан ҳам шундай. Бундайларни роса кўраяпмиз. Тўғриси, санъатда бир-бирини кўролмаслик, ғайирлик бор. Ҳаммасининг тагида шуҳрат ётади. Шуҳратпарастлик ётади. Янги чиққан ҳофиз 20 йилдан бери қўшиқ айтиб келаётганни ҳурмат қилмай қўйди. «Мен зўрман»га ўрганиб қолаяпти ёшлар. Лекин мен бояайтдим, — қайтар дунё. Мана шу дунёнинг қайтарлигини унутмаслигимиз керак.

Лекин доирачилар унақа халқмас. Энг асил, оқибатли санъаткорлар бу — доирачилар. Кимдан сўрасангиз сўрайверинг. Бу гапим рост. Бизда бир-бирини чалиш, ғайирлик қилиш йўқ, аксинча биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз. Бир-биримизнинг ютуғимиздан айримларга ўхшаб куюнмаймиз, балки қувонамиз.

— Ўрта Осиё доирачилар жамияти тузгансизлар...

— Худди шунинг учун... худди шунинг учун тузганмиз. Бу хўжакўрсинга тузилган жамият эмас. Устозларни йўқлаш, кекса доирачиларнинг ҳолидан хабар олиб туриш, марҳумларнинг оиласига ёрдам бериш, ёшларни қўллаш, уларга санъат сирларини ўргатиш, оёққа туриб олишида кўмаклашиш. Буларнинг барчаси жамиятимизнинг шу кундаги вазифалари. Кейин-кейин янада катта ишлар қилиш ниятидамиз.

— Мени баъзан бир нарса хавотирга солади. Қайси маданият саройига борсангиз, доирачилар дастаси бор. Ёш-ёш болалар жон ҳолатда машқ қилиб тургани нинг устидан чиқасиз. Шунда уларнинг чеҳрасига тикилиб «XXI аср отарчилари» деган фикр ўтади хаёлимдан. Гапимга эътироз билдиришга тўла ҳаққингиз бор. Лекин кўплар доирачиликни чуқур, улкан санъат деб эмас, балки қийналмай, осонгина пул топиш манбаи деб билишади. Тўғримасми?

— Гапингизга унчалик қўшилолмайман. Тўғри, 1-2 та шундайлар ҳам чиқиши мумкин. Бундайлар ҳамма соҳада бор. Лекин мен доирачилар ичида ёмонларини кўрмадим. Мана менинг қўлимдан ҳар йили 50 бола бу санъатнинг пасту-баландини ўрганиб чиқади. Ҳозир 150 таси ўқияпти. Аслида 2 та гуруҳдан 60 бола ўқиши керак. Лекин бирор киши ўз фарзандини ё неварасини бошлаб келса йўқ дея олмайман. Бир ўйлаб кўринг, кўча-кўйда безорилик, йўлтўсарлик қилгандан шу ерда таҳсил олса, озми-кўпми санъатга ошно бўлса шу яхши эмасми? Санъат йўлига кирган одам эса ёмонликдан ҳазар қилади. Чунки санъатнинг таги тоза, моҳияти меҳр-муҳаббатга қурилган.

— Бўлди. Гапимни қайтариб олдим. Лекин барибир бир оз хавотирим бор...

Энди икки оғиз тўй масаласида ҳам гаплашсак.

— Суҳбатимизда мен кутган савол шу эди асли. Гапнинг индаллоси — тўйга бормайдиган санъаткор йўқ. Лекин қачон, қаерга боришни ҳам билиш керак. Мен учун энг аввало — иш биринчи ўринда. Ишни қойил қилиб қўйиб, тўйга боришнинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Қолаверса, бормасликнинг ҳам иложи йўқ. Ўзбекнинг тўйи санъаткорсиз ўтганини эшитганмисиз? Тўй билан азанинг фарқи нимада? Унга ҳам, бунга ҳам одам йиғилади. Фақат униси санъаткорсиз ўтади, буниси эса санъаткорсиз ўтиб бўпти? Тўйига санъаткорни йўқлаб чақиришдими, бу санъаткорнинг бахти.

Энди шу ўринда икки оғиз «қистир-қистир» ҳақида ҳам айтиб кетсам.

— Қанийди...

— Ҳеч маҳал санъаткор сўраб олмайди. Асл санъаткор.

— Сизга ҳам қистиришадими?

— Бўлмасам-чи! Аввало санъатингга тан берганлар қистиради. «Ўғлим ҳам сенга ўхшасин» деганлар, «мен ҳам шундай тўй қилай» деганлар қистиради. Бу ҳаром пул эмас. Бу хизматингга, меҳнатингга, санъатингга мукофот. Яна «Ўғлим сенга ўхшасин» дея чеккангдан олиб кетганлар ҳам бўлади. Раҳмат, ният қилиб қистирганга ҳам, чеккангдан олиб кетганга ҳам. Яна бир нарсани айтмоқчи эдим: мени ҳурмат қилган, санъатимни қадрлаган ҳар қандай одамнинг уйида, тўйида хизмат қилсам...

— Мабодо мен айтсам-чи?

— Марҳамат, ишга таъсир қилмайдиган кунда бўлса, жон деб хизмат қиламиз.

— Раҳмат!

Сиз кўпдан бери таниқли ҳофиз Шерали Жўраев билан бирга саҳнага чиқасиз? Айтинг-чи, Шерали ака нега айнан сизни танлаган ва у одам билан ишлаш қийинмасми?

— Шерали ака билан биринчи Дилмурод акам ишлардилар. Кейин баъзан-баъзан мен ҳам бирга саҳнага чиқиб юрдим. Шу-шу ўрганишиб кетдик. Хонанданинг қулоғи ҳам, руҳи ҳам бир нарсага ўрганиб қолса, бошқаси унинг ўрнини босолмайди экан. Биз ҳам шундай. Мен ҳозир Шерали ака айтадиган барча қўшиқларни ёддан биламан. Кайфиятига қараб, қайси қўшиқдан кейин қайсинисини бошлашини биламан.

У киши билан ижод қилиш катта мактаб. Шерали ака «халтура»ни ёқтирмайди. Сал юракдан чалмасанг дарров билади. Шунинг учун ҳамиша масъулият билан, ҳаяжон билан саҳнага чиқаман.

— Элмурод, нисбатан ёш бўлишингизга қарамай, катта унвонларга эгасиз. Муҳими ҳам бу эмас. Муҳими, сизни халқ севади. Бунинг бош сабаби нимада?

— Мен бу ўринда меҳнат, эринмаслик, тиришқоқлик, изланиш ва яна кўп нарсани айтишим мумкин. Булардан кўз юммаган ҳолда, шуни айтаманки, ютуқларимнинг бош сабаби — мен ҳамиша устозларни ҳурмат қиламан. Қачонки, кўчага чиқсам, албатта онамнинг дуосини олиб чиқаман. Саккизта бола етим қолганимизда онам ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, бизни тарбиялади, одам қилди. Шунинг учун биз у кишидан бир умр қарздормиз. Нимагаки эришган бўлсам, барига онам сабаб. Мен у кишидан бир умр қарздорман.

Аҳрор АҲМЕДОВ.



Хитойнинг Цзилин манзилгоҳидан Ўзбекистон пойтахтига илк бор болалар қўшиқ ва рақс дастаси ташриф буюрди. Янбан шаҳрилик ёш ижрочилар жумҳурият халқ таълими ва Маданият вазирликлари ҳамда Тошкент шўро корейслари маданий уюшмаси таклифига кўра бу ерга келдилар.

— Бизнинг болалар жамоасига юртингизга келиш бахти муяссар бўлганидан беҳад мамнунмиз, — дейди даста бадиий раҳбари Ким Дин Гон, — мусиқий дастуримизда Умумхитой ёш ижрочилари кўрик конкурси совриндорларининг чиқишлари, халқчил, замонавий қўшиқ ва рақслар ўрин олган.

СУРАТДА: хитойлик ёш ижрочилар.

С. ВЕЛИЧКИН сурати. (ЎзТАГ).

ҚАЕРГА БОРМАНГ, ИТАЛИЯЛИКЛАР!

УЕФА Кубоги ўйинларида ҳали бунақаси бўлмаганди. Чорак финал ўйинларида қатнашувчи саккизта команданинг тўрттаси Италия командаларидир.

«Интер» Югославиянинг машҳур «Партизан» клуби билан жавоб ўйинини Време ва Ферри каби асосий ўйинчиларсиз ўтказган бўлсада дуранг (1:1) ўйнаб кейинги давра ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

63-минутда мезбонлардан Стефанович ҳисобни очган бўлса, бир дақиқа ўтар-ўтмас Маттеуснинг чамаси 16 метрдан тепган зарбаси жавоб голи бўлди.

Мезбонлар юзага келган ноқулай вазиятдан чиқиб кетиш учун «Интер»нинг дарвозабонини бир неча бор безовта қилишди. Лекин дарвозабон Дзенга бу сафар ортиқча хатоликка йўл қўймади. «Партизан» ўйинчиларининг гапларига қараганда ҳакам икки марта италияликларни 11 метрлик жарима билан жазолаши керак эди. Айтмоқчи, бу ўйинда футбол ишқибозларига машҳур 1988—1989 йиллар жаҳондаги энг зўр ҳакам деб тан олинган фарангистонлик Мишель Вотро ҳакамлик қилди.

Фарангистоннинг яна бир командаси «Бордо»га ҳам омад кулиб боқмади. Тўғрироғи, улар «Рома» (Италия)га қарши муносиб ўйин кўрсата олмадилар. «Аталанта» чекига Олмониянинг машҳур командаси «Кельн» билан ўйнаш тушганди. Жавоб ўйинида аргентиналик Канижи узатган тўпни ҳужумчи Николини дарвозага йўллаб, команданинг келгуси йил УЕФА кубоги ўйинларида иштирок этишини таъминлади.

Италиянинг яна бир командаси «Болония»нинг шунчалик маҳорат билан ўйнашини кўпчилик ишқибозлар кутишмаганди. Болония мамлакат чемпионатининг қуйи поғонасидан жой олган.

ТВ

16 ДЕКАБРЬ — ЯКШАНБА

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).

* * *

9.00 «Жодугарлик ва сеҳргарлик». Бадиий фильм («Ленфильм»). 10.15 «Қувноқ стартлар». Ўзбекистон ва Литва ўқувчиларининг спорт ўйинлари. 11.05 «Алифбо сабоқлари». 1-босқич. 11.40 «Мулоқот» театр-студияси — меҳмонимиз. 13.10 Ёш ижрочилар концерти.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Уй ажинасининг қайтиши». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Кичкинтой» программаси. 18.50 «Санъат олами». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Туш ўнгидан келди ёки чемодан». Бадиий фильм («Ленфильм»). 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 13.15 «Мусиқий киоска». 13.45 «Здоровье». 14.30 Болалар учун фильм. «Миллион саргузашт. Занглаган генерал ороли» («Экран»). 15.35 «Рикэ-хохолок». Мультфильм. 15.55 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.

* * *

17.10 «Милиция қаёққа қараяпти?». «Инсон ва қонун» туркумидан болалар қаровсизлиги ва улар ўртасидаги жиноятчилик муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 18.00 «Марафон-15». 19.25 П. И. Чайковский номли Москва Давлат консерваторияси студентлар хорининг концерти. 19.45 «Кинопанорама». Итальян киноси ҳақида. 21.30 «Вақт». 22.00 Коллаж. 22.05 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 21 ва 22-сериялар. 22.55 «Нима? Қаерда? Қачон?».

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана. Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ. ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58. ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65. ИНДЕКС: 64607. 513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28635.